

# Наврўз ҳар бир оила, ҳар бир хонадонга, бутун юртимизга тинчлик-омонлик, меҳру оқибат, бахту саодат, қут-барака олиб келсин!



2016-yil 22-mart, seshanba

№ 12 (971)

1996-yil dekabr dan chiqarib boshlagan

Elektron manzil: info@uzhurriyat.uz

www.uzhurriyat.uz

## ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ НАВРЎЗ БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ СЎЗИ

Ассалому алайкум, азиз ва-  
тандошлар!

Мухтарам меҳмонлар!

Табиат уйғониб, гул-чечаклар  
очиқиб, атроф яшил либосга  
бурканиб бораётган шу кунлар-  
да яшариш ва янгиликни фас-  
ли бўлмиш Наврўзи олам юр-  
тимизга кириб келиши билан  
сиз, азизларни, сизларнинг тим-  
солингизда бутун халқимизни  
чин қалбимдан табриклаш, бар-  
чангизга ўзимнинг чуқур ҳур-  
мат ва самимий тилакларимни  
изҳор этиш — мен учун катта  
бахтидир.

Наврўзи олам барчамиз учун  
неча минг йиллик тарихга эга,  
илдизлари “Авесто” даврида  
пайдо бўлган, қадимий, асл  
миллий, ҳар қандай сиёсатдан  
йироқ, кеча ва кундуз тенг ке-  
ладиган шарқона янги йил  
бўлиб, эл-юртимиз табиатига,  
онгу тафаккури, қалби-шуури-  
га чуқур сингиб кетган энг се-  
вимли, энг гўзал баҳор байра-  
мидир.

Айни шу бетакрор ва дилбар  
фаслда кўклар нафаси ва майн  
шабадалар кириб келиши,  
куртакларнинг очилиши билан  
инсон вужудига баҳор нашида-  
си югургандек бўлади. Барча-  
миз ўзимизни яшариб кетган-  
дек, куч-қувват, ғайрат ва ши-  
жоатга тўлгандек сезамиз, ўзи-  
мизни табиатнинг узвий ва аж-  
ралмас қисми деб ҳис қиламиз.

Айни шу файзли, шодиёна  
дамларда юртимизнинг барча  
гўшаларида, қир-адирлар, боғу  
роғларда юртдошларимиз сум-  
лак ва ҳалим, кўксомса ва гўжа  
каби тансиқ таомлар тортилган  
дастурхонлар атрофида тўпла-  
ниб, бу баҳор неъматларини ўз  
онласи, яқинлари, дўсту бир-  
дарлари билан баҳам кўришга  
интилади.

Ҳеч шубҳасиз, бундай хур-  
сандчилик ва сайил-томошалар-  
ни кўпчилик хонадон ва маҳал-  
лаларда, марказда, узоқ ва че-  
ка қишлоқларда кўриш, куза-  
тиш қийин эмас.

Аҳолимиз, қайси миллат ва  
элат вакили бўлишидан қатъи  
назар, байрамонга қайфиятга бе-  
рилиб, бу ажойиб айёмни катта  
шоду хуррамлик билан ўтказ-  
ди, бундай дамларда нафақат та-  
ниш, балки нотаниш одамлар-  
ни ҳам қутлаб, бағрига босиб,  
соғлик, бахту саодат ва омад ти-  
лаши ҳеч қандай бепарқ қол-  
дирмайди, десам, ҳақиқатни  
айтган бўламан.

Мен ҳам айни шу дақиқалар-  
дан фойдаланиб, мана шу му-  
аззам ва гўзал майдонда тўплан-  
ган сиз, азизларга, бутун халқ-  
имизга қарата Алишер Навоий  
бобомизнинг табаррук сўзлари  
билан айтмоқчиман: “Барча-  
нгизга Наврўз байрами муборак  
бўлсин, ҳар кунингиз Наврўз  
бўлсин!” деган самимий тилак-  
ларимни, меҳр-иззатимни қабул  
қилишингизни сўрайман.

Қадри дўстлар!

Наврўзнинг ўлмас руҳи ва  
қадриятлари авлодлардан-авлод-

ларга безавол ўтиб келмоқда,  
орадан қанча йиллар, замонлар  
ўтмасин, бу гоё ва одатлар бу-  
гунги кунларда ҳам халқимиз-  
нинг онгу тафаккурида чуқур из  
қолдириб, кучайиб бормоқда.

Шу ўринда баъзи бир мисол-  
ларни олиб келмоқчиман.

Неча минг йиллик тарихи-  
миздан маълум: Наврўз фасли-  
да турли низо ва адоватлар, гина  
ва араزلар унутлиб, одамлар,  
миллат ва элатлар ўртасида  
меҳр-оқибат, шафқат ва мурув-  
ват, ҳамжиҳатлик каби инсоний  
туйғулар янада кучаяди.

Шу борада бир фарз қилай-  
лик: агарки, бугунги кунда халқ-  
аро майдонда тобора авжига чи-  
қаётган кескинлашув, можоро  
ва қарама-қаршиликларни,  
ҳали-бери давом этаётган қон  
тўкишларнинг олдини олиш,  
пайдо бўлаётган муаммоларни  
фақатгина тинчлик ва сиёсий  
музокаралар йўли билан ҳал  
қилишга қайтсак, халқимиз  
ибораси билан айтганда, олам  
гулистон бўларди.

Ишончим комил, агарки шу  
кунларда кўпни кўрган, қанча-  
қанча синовларни бошидан ке-  
чирган, яхшилик ва эзгуликни  
доимо юрагининг тўрида сақ-  
лаб келадиган, меҳр-оқибатли  
халқимиздан, шарқона янги йил  
кириб келиши арафасида туриб,  
янги йилда сизнинг энг эзгу ни-  
ятларингиз нималардан иборат,  
деб сўраса, халқимиз, ҳеч икки-  
ланмасдан, бизга тинчлик ва  
омонлик керак, деб жавоб бери-  
ши мумкин.

Бундай яқдилликнинг сабаби  
ва илдизларини аввало бизнинг  
қадимий тарихимиз, кўп қир-  
рали буюк маданиятимизда,  
умумбашарий тараққиётга ўчмас  
ҳисса қўшган улуг олим ва му-  
тафаккирларимиз қолдирган бе-  
баҳо меросда, она юртимиз кўп  
замонлар давомида билим, маъ-  
навият ва маърифат маркази  
бўлиб келганида кўриш даркор.

Бунинг устига, азал-азалдан  
халқимизга мансуб бўлган оли-  
жаноблик, бағрикенглик, ода-  
мийлик ва меҳрибонлик, муҳ-  
тож бўлганларни қўллаб-қувват-  
лаш, кексаларнинг дуосини  
олиш, етим-есирларнинг боши-  
ни силаш каби савоб ишларни  
бажо келтиришда бундай хусу-  
сият ва аломатлар аҳолимизнинг  
қон-қонига, суяк-суягига син-  
гиб кетгани ҳеч қандай сир эмас.

Буларнинг барчаси асрлар  
мобайнида авлоддан-авлодга  
ўтиб, бойитилиб, охир-оқибат-  
да эзгу инсоний тушунчаларга  
айланиб, халқимизнинг маъна-  
вий ва амалий дунёқарши учун  
муштақкам пойдевор бўлган.

Табиийки, бундай олижаноб,  
ноёб хусусият ва фазилатларга  
эга бўлган, пок орзу-интилиш-  
лар билан яшаётган, ўзи учун  
тинчлик ва омонликни, мусоф-  
фо осмонни истайдиган халқим-  
из, ҳеч шубҳасиз, яқин ва узоқ  
қўшнилари билан ўз муносабат-  
ларини ўзаро ҳурмат, дўстлик,  
ҳамжиҳатлик, бир-бирининг

манфаатларини ҳисобга олиш  
асосида қуради. Ва юртимизни,  
аҳолимизни ҳар қандай бало-  
қазолардан омон сақлашни ўзи-  
нинг устувор вазифаси деб би-  
лади.

Мана шундай қувончли дам-  
ларда бутун бизга катта ҳурмат  
ва эҳтиром билдириб, шу гўзал  
майдонда Наврўз шодиёналари-  
мизда иштирок этаётган чет  
мамлакатларнинг элчилари ва  
халқаро ташкилотлар вакилла-  
рини, хорижий шерик ва ҳам-  
корларимизни, барча мухтарам  
меҳмонларимизни сизларнинг  
номингиздан, бутун халқимиз  
номидан Наврўз байрами билан  
қутлашга, уларга қизгин ҳурмат  
ва саломимизни йўллашга рух-  
сат бергайсиз.

Мухтарам юртдошлар!

Бугун мана шу файзли май-  
донда жамулжам бўлган сиз,  
азизларни қутлаб, сизларнинг  
тимсолингизда аввало Ўзбекис-  
тонимизни янада обод ва фар-  
овон қилиш йўлида ўзининг  
мардона меҳнати ва матонати  
билан улкан ҳисса қўшаётган,  
эришаётган ютуқ ва марралари  
билан барчани қойил қолдира-  
ётган, ёвуз кучларга бош эгмай-  
диган, ўз қадр-қимматини, мус-  
тақиллигини юксак баҳолайди-  
ган, бағрикенг халқимизни  
қўраман. Ва шу юксак минбар-  
дан туриб, шундай олижаноб  
фазилатлар соҳиби бўлган халқ-  
имиз олдида таъзим қиламан.

Бизнинг таянчимиз ва суян-  
чимиз бўлмиш Ўзбекистон  
ёшларига қарата айтмоқчиман:  
бошимиздан кечираётган, шид-  
дат билан ўзгариб, тобора му-  
раккаблашиб бораётган давр  
барчамизнинг, биринчи навбат-  
да, сиз, азиз фарзандларимиз-  
нинг олдида замонавий билим  
ва касб-ҳунарларни, интеллек-  
туал бойликларни чуқур эгал-  
лаш, шу билан бирга, мамлака-  
тимизнинг халқаро майдонда  
рақобатдошлигини янги бос-  
қичга кўтариш, иқтисодиёти-  
мизни янгилаш, модернизация  
ва диверсификация қилиш, бу-  
ларни тараққиётимизнинг локо-  
мотивига айлантириш каби ва-  
зифаларни қўймоқда.

Айни шу улкан долзарб мақ-  
садларга эришиш йўлида сиз,  
азизларнинг халқимиз, Ватани-  
мизнинг ишончини оқлашга  
қодир эканингизга ишонаман ва  
барчангизни доимо қўллаб-қув-  
ватлашга тайёрман.

Азиз ва қадрили ватандошлар-  
рим!

Мана шу нурафшон ва гўзал  
айёмда барчангизни кириб ке-  
лаётган Наврўз байрами билан  
яна бир бор чин юракдан таб-  
риkläйман.

Наврўз ҳар бир оила, ҳар бир  
хонадонга, бутун юртимизга  
тинчлик-омонлик, меҳру  
оқибат, бахту саодат, қут-бара-  
ка олиб келсин!

Барча-барча орзу-ниятлари-  
миз ушалсин!

Наврўзи олам барчамизга му-  
борак бўлсин!



## ТИНЧЛИК, ОБОДЛИК ВА ФАРОВОНЛИК НАШИДАСИ

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида Наврўз  
умумхалқ байрамига бағишланган тантаналар бўлиб ўтди

Наврўз — халқимизнинг  
азалий қадриятлари, эзгу  
орзу-интилишларини мужас-  
сам этган, аждодларимиздан  
бизга мерос бўлиб келадиган  
қадимий байрам. Мустақиллик  
унга ёшлик, янги ҳаёт бағиш-

лади. Истиқлол йилларида  
Наврўз мазмунан бойиди,  
мамлакатимизда яшаётган  
миллати, тили ва динидан  
қатъи назар, барча ватандош-  
ларимиз оралиқ кутадиган  
умумхалқ байрамига айланди.

Давлатимиз раҳбарининг  
“2016 йилги Наврўз умум-  
халқ байрамига тайёрлар-  
лик кўриши ва уни ўтказиш  
тўғрисида”ги қарорига му-  
вофиқ, юртимизнинг бар-  
ча ҳудудларида бу айёмга  
ҳар томонлама пухта ҳозир-  
лик кўрилди. Халқимиз бу  
кунни янги муваффақият-  
лар билан қутиб олмақда.  
Шундай фаровон кунлар-  
га, байрамларга етганига  
шукроналар айтиб, хурсан-  
дчилик қилмоқда.

21 март. Алишер Навоий  
номидаги Ўзбекистон  
Миллий боғи байрамонга  
безатилган.

Бу ерга сенаторлар ва  
депутатлар, ҳукумат аъзо-  
лари, фан, маданият ва  
санъат намояндалари, иш-  
лаб чиқариш илғорлари,  
тадбиркорлар, мамлақати-  
мизда фаолият кўрсатаёт-  
ган хорижий давлатлар эл-  
чихоналари ва халқаро  
ташкilotлар ваколатхона-  
ларининг вакиллари, ёшлар  
ташриф бўюрган.

Соат 10:30. Майдонга  
Ўзбекистон Республикаси  
Президенти Ислам Каримов  
кириб келди.



## МАФТУНКОР ЮРТНИНГ БЕТАКРОР БАЙРАМИ

Мамлакатимизда Наврўз умумхалқ байрами  
кенг нишонланмоқда. Жойларда ўтказилаёт-  
ган байрам сайиллари иштирокчиларининг  
тилади, дилида шукроналик. Истиқлолимиз,  
тинч ва осойишта ҳаётимиз қадри ҳақида  
тўлқинланиб сўзлайди улар. Юртимизга кела-  
ётган хорижлик сайёҳлар ҳам бу жараёнларга  
гувоҳ бўлмоқда. Улардан айримларининг  
таассуротлари билан қизқидик.

Олеся АЙВОДА (Франция):

— Ўзбекистон ва унинг қадимий шаҳарлари ҳақида кўп  
эшитганман, ўқиганман. Жаҳон цивилизацияси тараққиёт-  
тига беқиёс ҳисса қўшган буюк алломалар юртини кўриш-  
ни орзу қилардим. Қарангки, Наврўз арафасида ниятимга  
етдим. Бу байрам ҳақида муайян тасаввурга эга бўлсам-  
да, бевоқифа иштирок этиб ҳайратим янада ортди.

Наврўз миллий қадриятлар байрами экан. Бунга Бухоро  
шаҳрида ёшлар иштирокида ўтказилган фестивалда  
гувоҳ бўлдим. Миллий халқ ўйинлари, Наврўз тараннум  
этилган ялла-ю рақслар, сумалак тайёрлаётганлар ёни-  
дан ўтар эканман, димоғимга аллақандай ажиб ҳид урил-  
ди. Тўхтаб қолдим. Нега, шиманиб турибсиз, татиб  
қўринг, дейишди. Бунақа тотни ҳеч қачон, ҳеч қаерда

учратмаганман. Утмиши буюк, келажиги порлоқ халқ-  
нинг мана шундай байрамлари бўлади. Байрамнингиз му-  
борак бўлсин!

Кристиан КАЙЗАР (Германия):

— Олий ўқув юрти ўқитувчисиман. Бухорога бир гуруҳ  
талаба-ёшлар билан келдим. Шаҳар, унинг тарихий оби-  
далари бизда катта таассурот қолдирди. Ҳар бир обида  
ўзбек халқининг ўзидек бетакрор. Кўчалар обод, одамлар  
хушмуомала.

Қадимий Арк қалъаси ёнида ўтаётган Наврўз сайли  
устидан чиқиб қолдик. Ҳаммаси сеҳрли, гўё эртақлар  
оламига тушиб қолгандек бўласан киши. Биз ҳам ёшлар  
даврасида рақсга тушиб кетганимизни билмай қолдик.

Марико ОПУКА (Япония):

— Мен икки йилдан бундан Ўзбекистон — Япония мар-  
казининг Бухоро бўлимида ИСА (Япония халқаро ҳамкорлик  
ташкilotи) да кўнгилли сифатида ишлайман. Ўзбек ти-  
лини мулоқот қилаётган даражада ўргандим.

Ўзбекистон — мафтункор юрт, Наврўз — бетакрор  
байрам. Бухоро шаҳри кун сайин чирой очиб бормоқда. Бу  
Наврўз арафасида янада яққол сезилади. Сизларда ҳар  
қунинг Наврўз бўлсин, деган ибора бор экан. Бунинг за-  
мирида катта ҳикмат мужассам. Ўз тарихи, мадания-  
ти ва урф-одатларини улуғлаган халқнинг эртаси янада  
нурафшон бўлади.

Уза мухбири Э.ЕДГОРОВ ёзиб олди.

# ТИНЧЛИК, ОБОДЛИК ВА ФАРОВОНЛИК НАШИДАСИ

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида Наврўз умумхалқ байрамига бағишланган тантаналар бўлиб ўтди

«Бошланиши 1-бетда»

Байрам тантанасига йиғилганлар давлатимиз раҳбарини қарсақлар билан кутиб олади.

Чорлов мусиқаси янграйди. Сўз Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовга берилди. Президентимиз халқимизни Наврўз байрами билан муборакбод этади.

Мусаффо осмонимиз узра кўёш чарақлайди. Муаззам майдон атрофидаги улкан ҳаво шарлари майин тебранади. Турфа ранглардаги байроқчалар, анвоий гуллар кўзни қувонтиради.

Саҳна теграсидаги дараклар, мазорлар юртимизнинг баракали боғу далаларини эслатади. Шундай фарахбахш дамларда она табиятда рўй бераётган яшариш, янгиланишларни қалбидан ўтказиб юртдошларимиз кўнгида шодлик, яна бир Наврўзга эсон-омон етганимиз, эл-юртимиз тинчлиги ва фаровонлиги учун шукроналик туйғуларини жўш уради.

Майдон узра карнай-сурнай салолари янграб, байрам бошланганидан дарак беради. Шундай фарахбахш дамларда она табиятда рўй бераётган яшариш, янгиланишларни қалбидан ўтказиб юртдошларимиз кўнгида шодлик, яна бир Наврўзга эсон-омон етганимиз, эл-юртимиз тинчлиги ва фаровонлиги учун шукроналик туйғуларини жўш уради.

Наврўз янгиликларини, яхшиликларини бошлаб келади. 2015 йилги Наврўздан бир неча кун ўтиб, 29 мартда мамлакатимиз ҳаётида муҳим сиёсий воқеа — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўлди. Демократия принципларига тўла мос равишда ўтган ушбу тадбирда сайловчиларнинг 90,39 фоизи Ислам Каримовга овоз берди. Бу Ислам Каримовнинг мамлакатимизни ҳар томонлама ривожлантириш, демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш, ҳаёт сифатини юксалтириш борасидаги беқиёс хизматларини халқимиз муносиб баҳолаши, барча соҳаларда амалга оширилаётган ислохотларни давом эттиришни қўллаб-қувватлашининг далолати бўлди.

“Келди баҳор...”. Кўнгиларга кўклар сурурини бахш этган сеҳрли оҳанг оғушида юртимизнинг гўзал табияти, бетакор қадимий обидаларини замонавий иншоотлари, шаҳар ва қишлоқларимизнинг кўрку таровати кўз ўнгимизда гавдаланади.

Мумтоз наволар халқ кўшиқларига уланади. Чанқовуз, сибизга куйлари янграб, саҳнага фольклор-этнографик ансамбллар кириб келади. Наврўз сайли намойиш этилади. Дошқозонларда сумалак тайёрланади, тандирдан иссиқ нонлар узилди, йигит-қизлар кўшиқ айтиб, рақсга тушади.

Ўзбекистонда тинчлик-осойишталик, миллатлараро тотувлик олий қадрият даражасига кўтарилган. Жамиятимизда меҳр-оқибат, ҳамжиҳатлик ва баргиреклик муҳити қарор топган.

Тинчлик ва барқарорлик сабаб мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътибори тобора ошиб бормоқда. Энг ривожланган давлатлар, нуфузли халқаро ташкилотлар Ўзбекистон билан ҳамкорликка интиломоқда.

2015 йил июнь ойида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош қотиби Пан Ги Мун расмий ташриф билан мамлакатимизга келгани бунинг яна бир тасдиғи бўлди.

Ўзбекистоннинг минтақаларда тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш, терроризм ва жиноятчиликка қарши курашиш, экологик муаммоларни барқарор этиш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, илм-фан, маданият ва санъатни ривожлантириш борасидаги ташаббуслари БМТ томонидан кенг қўллаб-қувватланмоқда. Мамлакатимиз ушбу ташкилот билан унинг қатор тузилмалари билан самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивали 2015 йили ўнинчи бор ўтказилди. ЮНЕСКО шафелидаги ўтказиб келинаётган ушбу мусиқий анжуман халқлар ўртасидаги маданий мулоқотни ривожлантириш, тинчлик-осойишталикни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Мамлакатимиз қатъий равишда тинчликпарвар сиёсат юритиб келмоқда.



...Майдон атрофида оппоқ лайқлар кўним топган. Бу мамлакатимиздаги тинчлик-осойишталикни, файзу баракани ифодалайди.

Тинчлик — тараққиётнинг асосий омили. Тинчлик-осойишталик бўлган жойда ривожланиш бўлади, одамлар бунёдкорлик, яхшилик истаги билан яшайди. Буни мамлакатимизда иқтисодий ўсиш суръатлари давом этаётганида яққол кўриш мумкин.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон иқтисодиёти қарийб 6 баробар, аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал даромадлар 9 баробардан зиёд ўсди. Глобал молиявий-иқтисодий инқироз шароитида мамлакатимиз жаҳондаги камдан-кам давлатлар қаторида барқарор ривожланмоқда. Янги ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари кейинги ўн бир йилда 8 фоиздан юқори бўлиб келмоқда. Макроиқтисодий кўрсаткичлар мутаносиблиги, давлат бюджетини ва тўлов балансининг барқарор равишда профицит билан бажарилиши, экспорт ва олтин-валюта захираларининг ўсиши таъминланмоқда.

Бу Президентимиз томонидан асос солинган, халқимиз кенг қўллаб-қувватлаган ва бутун жаҳон эътирофи этаётган тараққиётнинг “Ўзбек модели” самараларидир. Халқимизнинг филокорона меҳнати эвазига қўлга киритилган бундай ютуқ ва марраларни бутун дунё тан олмақда. Халқаро эксперт ташкилотлари, нуфузли рейтинг компаниялари мамлакатимиз ривожининг бутунги ҳолати ва истиқболларини юқори баҳоламоқда.

Ўтган йили Швейцарияда Жаҳон иқтисодий форуми — “World Economic Forum” иқтисодиёти энг тез ривожланаётган мамлакатлар рейтингини эълон қилди. Жаҳон банкнинг “Глобал иқтисодий тараққиёт” прогнози асосида тайёрланган маъмурий маълумотда Ўзбекистон 2014-2017 йилларда йиллик ўсиш даражаси юқори бўладиган давлатлар орасида 5-ўринни эгаллади.

Мамлакатимиз иқтисодиётини тарихий ўзгартириш, тармоқларни мо-

дернизация қилиш, техник ва технология янгилаш изчил давом эттирилмоқда. 2015 йилда ана шу мақсадларга барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан 15 миллиард 800 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестициялар жалб этилди. Умумий қиймати 7 миллиард 400 миллион доллар бўлган 158 йирик ишлаб чиқариш объекти фойдаланишга топширилди.

Жанубий корейлик инвестор ва мутахассислар билан ҳамкорликда Сурғил кони негизда қиймати 4 миллиард доллардан зиёд бўлган Устюрт газ-кимё мажмуаси барпо этилган. Самарқанд — Қарши темир йўли участкасида юқори тезликда ҳаракатланувчи “Афросиёб” электр поезди қатнови йўлга қўйилган халқимизга мамнуният бағишлади.

Барча соҳалардаги тараққиёт мамлакатимиздаги ободликда ҳам намоён бўлди. Шаҳар қишлоқларимизда кенг қўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Ўтган йили пойтахтимизда ўнлаб кўп қаватли замонавий уйлар, йўл ва кўприклар қурилди. Қишлоқларда намунавий лойиҳалар асосида 12 мингга уй-жой, қарийб 170 инфратузилма объекти барпо этилди. Бундай ишлар самарасида шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфаси ўзгариб, одамларнинг ҳаёт сифати юксалиб бормоқда.

Ешларни қўллаб-қувватлашга оид дастурларга мувофиқ, ёш оилаларга топширилаётган “Қамолот” уйлари уларнинг оёққа туриб олиши, ҳаётда ўз ўрнини топиши ва фарзандларини барқарор этиб тарбиялаши учун катта мадад бўлмоқда.

Наврўз кунларида халқимизга хос меҳру оқибат, хайру саховат янада яққол намоён бўлади. Эл-улус очик юз билан бир-бирдан хабар олади, беморлардан ҳол-аҳвол сўрайди. Ёши улуг инсонлар, табаррук отахон ва онахонларга алоҳида ҳурмат-эътибор кўрсатилади.

Президентимиз ташаббуси билан 2015 йил мамлакатимизда Кексаларни эъзозлаш йили, деб эълон қили-

ниши ёши улуг инсонларнинг иззат-ҳурматини жойига қўйиш, муҳтарам фахрийларнинг кўнглини кўтариш, саломатлигини мустаҳкамлаш, улар учун қўшимча қулайликлар яратиш йўлида олиб борилаётган ишлар самарасини янада ошириди.

Кексаларни моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида пенсия миқдори 20 фоиздан зиёд кўпайтирилди. 100 ёшга етган ва ундан ошган нурунийларнинг пенсиясига энг кам иш ҳақининг 100 фоизи миқдорида устама тўлаб бориш тизими жорий

этилди. Иккинчи жаҳон уруши қат-

нашчилари ва фронт ортида меҳнат қилганлар санаторий-курортларда бепул даволанди.

...Саҳнага болакайлар кириб келади. Майдон шўх-шодон кулгута тўлади. Уларнинг абжир ҳаракатлари, хушчақчақ куй-кўшиқлари барчага завқ-шавқ улашади.

Булар — мустақиллик йилларида туғилган, давлатимизнинг алоҳида

эътиборга молик. Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик дўстлик ва ўзаро ишонч руҳида, икки томонлама манфаатдорлик асосида барча соҳаларда изчил ривожланаётгани бизни фойдаланишида. Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон халқини Наврўз айёми билан чин дилдан муборакбод этаман!

...Наврўз томошалари кўтаринки руҳда давом этади. Мониторларда кураш, улоқ-кўпқари, арқон тортиш, тош кўтариш, дорбозлик каби завқли анъаналар намойиш этилади. Уланчио лапарчилар деҳқончиликка барака тилаб, Наврўз, табият ҳақида кўшиқлар айтади.

Қишлоқ ҳўжалигида бозор муносабатлари ривожлантирилаётгани, фермерлик ҳаракатига кенг имкониятлар берилётгани самарасида ҳар йили юксак ҳосилдорликка эришилмоқда. Ўтган йили мамлакатимизда 7 миллион 500 минг тоннадан зиёд галла, 3 миллион 350 минг тоннадан ортиқ пахта, 14 миллион 500 минг тоннага яқин сабзавот ва полиз, 4 миллион 300 минг тонна боздорчилик маҳсулотлари етиштирилди. Шу боис кишин-ёзин бозорларимиз фаровон, нарх-наво меъёрида.

Мамлакатимизда тайёр сановат, тўқимачилик, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари, жумладан, мева-сабзавот экспорт йилдан-йилга ошиб бормоқда.

— Наврўз — ажойиб байрам, — дейди Германиянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва муҳтор элчиси Найтхарт Хёфер-Виссинг. — Бу байрам барчага қувонч улашади, ҳамжиҳатлик, меҳр-оқибатни мустаҳкамлайди.

эътибори ва ғамхўрлиги оғушида ўсаётган соғлом болалар. Биздан кўра кучли, билимли, доно ва бахтли бўлиб улғаяётган авлод.

Президентимиз раҳнамолигида истиқлолнинг дастлабки йилларидан соғлом авлодни тарбиялаш масаласига алоҳида эътибор қаратилди ва бу эзгу иш изчил давом эттирилмоқда. Оналарнинг соғлом бўлиши, болаларнинг соғлом туғилиши ва ўсиши учун барча шароитлар яратилмоқда. Аҳоли ҳаёт сифатини юксалтириш, соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, болалар спортини ривожлантириш каби йўналишлардаги ислохотлар моҳиятан ана шу мақсадга хизмат қилмоқда.

Ешларимизнинг ҳеч кимдан кам бўлмай вояга етаётгани халқаро танлов ва мусобақаларда ҳам ўз ифодасини топмоқда. Биргина ўтган йили спортчиларимиз 165 халқаро мусобақада иштирок этиб, 983 медални қўлга киритди. Ёш мусиқачи ва ижрочиларимиз нуфузли халқаро танловларда 137 совринли ўринни эгаллади.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2016 йил мамлакатимизда Соғлом она ва бола йили, деб эълон қилинган бу соҳага эътиборнинг яна бир ёрқин далили бўлди.

...Майдонда жаҳон мусиқачилари янграйди. Классик опера ва балетлар, турли тиллардаги кўшиқлар байрам қатнашчилари, чет эллик меҳмонларга завқ бағишлайди.

— Наврўз Ўзбекистонда зўр тантана билан нишонланади, — дейди Япониянинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва муҳтор элчиси Фумихико Като. — Миллий анъаналарингиз халқ айниқса, ёшлар томонидан фахру ифтихор билан қабул қилиниши

Биз ҳам бу шодиёнада иштирок этиб, турли касб эгалари, хорижлик меҳмонлар, ҳамкасбларимиз билан дийдор кўришамиз, байрам дастурини мириқиб томоша қиламиз. Байрам тантанасидаги кўтаринки руҳ, одамлар юз-қўзидаги қувонч ва шодлик мамлакатимиздаги тўқинлик, фаровонлик, тинч ва осуда ҳаёт ифодасидир.

Наврўз кунларида инсон ўзини табият билан узвий боғланганини янада теранроқ ҳис этади. Она заминни ардоқлаб, бутунги тинч ҳаётнинг қадрига етиб яшаш кераклигини яхшироқ англайди.

Халқимиз азалдан тўю тантаналарга орасталик, бунёдкорлик билан таралдув кўрган. Ота-боболаримиз Наврўзни покзаллик, эзгу орзу-ниятлар билан кутиб олган. Чунки тозаллик, саранжом-саринишлик бор жойда кутбароқ, сиҳат-саломатлик бўлади.

Бу йил ҳам баҳорнинг илк кунларидан ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилди. 12-13 март кунлари мамлакатимиз буйлаб ўтган умумхалқ хайрия ҳашарида маҳалла ва кўчалар тозаланди, хиёбону боғлар, корхона ва ташкилотлар атрофи ободонлаштирилди. Қаламжолар, қабростонлар тартибга келтирилиб, мевали ва манзарали дараклар, гул кўчатлари экилд. Кам таъминланган оилалар, ёлғиз кексалар, ногиронлар ҳолидан хабар олindi, байрам совғалари улашилди.

Байрам арафасида янги уй-жойлар, корхоналар, тиббиёт ва ўқув муассасалари, хизмат кўрсатиш шохбачалари фойдаланишга топширилди. Бу иншоотлар Ватанимиз чиройига чирой қўшади, юртдошларимизнинг турмуш тарзини янада яхшилашга хизмат қилади.



Сарвар ўрмонов, Аъло Абдуллаев (ўза) олган суратлар.

Ноҳира САМУРОВА,  
Анвар МАНУФОВ,  
Ўза мухбирлари

► Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси йўлланмаси билан

– Бувижон, яқинда бизлар ҳам поездда Тошкентга, ундан «Афросиёб» да Самарқанду Қарши, Бухоро каби шаҳарларга саёҳатга чиқамиз-а? Довон йўли битса, олиб бориб томоша қилдиранман, — деб ваъда қилгандингиз.

Набираларимнинг бу интиқликлари куни кеча Тошкент сафари пайтида бўлиб ўтган яна бир суҳбатни ёдимга солди. «Ласетти» текис ва раvon йўлда олиб борарди. Олис йўлда, ҳамроҳлар билан танишиб, турунлашиб кетиш мароқли. Чамамда тўқсонни қоралаган, чехраси нури, ўзини Собир ота, деб таништирган оқсоқол лип-лип ўтиб, ортда қолаётган обод манзилларнинг кўрку чиройига маҳиё бўлиб, ёш боладай машина ойнасидан нигоҳини узмай кетяпти. «Отасига раҳмат!» деб кўяди, ҳар замонда. Отаҳонни қандайдир хаёли олиб қочди, шекилли, бир пасда маҳзун бўлиб қолди.

– Ҳа отаҳон, чарчадингизми, дейман?  
– Ҳа, болам-а, болалигим эсимга тушиб кетди. Дунёга кебману, одамга ўхшаб яшамабман. Бутун умрим доғу ҳасратда ўтди. Болалигимдан бирор ёруғ кунни эслолмайман. Эслаганим, онамнинг қора чироқ ёруғида бедор чарх йигириши, йигирган ипларини сотиш учун тонг отмай, Марғилонга отланиши... Олтириқ билан Марғилоннинг ораси озмунча қақиримми? 8-9 яшарлик бола онамга эргашиб, бу мусибатларни ўз кўзим билан кўрганман. Бу бош нималарни кўрмади, дейсиз! Зоғора нонга қорни тўймай ўтган кунларни унутиб бўлармиди. Қаҳатчилик, қимматчилик, очарчилик, одамнинг ҳаёти, қалр-қиммати сарик қақачлик бўлмаган қаттол замонларни бошдан ўтказганман. Ўлмай шу ёруғ кунларга етганимга, тинчлик, тўқинчилик, озодликнинг неъматларини тотаётганимга, неварачевараларимнинг бахту камолини кўраётганимга минг қатла шуқр қиламан.

Отаҳоннинг чиройи яна очилиб кетди.  
– Набирам Турин университетига ўқийди. Унинг соғинчи кўймади.

Бир кўриб келай, деб йўлга отлансам, «кекса одам, уриниб қоласиз, йўл азоби — гўр азоби», деб уйдагилар қаршилиқ кўрсатишди.

Набирам бўлса буважон, икки-уч ой сабр қилинг, ҳадемай водийга қатнайдиغان темир йўл қурилиши битади. Учқур поездга ўтирсангиз, кўз очиб юмгунча Тошкентга олиб келиб кўяди», деб ақд ўргатган бўлди. Сабрим чидамади. Ҳалику, машинада, бутун Ўзбекистонни пилда кезиб чиқишга ҳам қувватим етмади, қолаверса, телевизорда кўрсатишганда ният қилувдим, Юртбошимиз ташаббуси билан қурилган янги масжидни ҳам бир зиёрат қиламан, деб. Саёҳат одамга куч-қувват беради, ёшартиради, деб ҳаммаларини мот қилдим. Ахир юрган дарё, утирган бўйра, лейдилар. Йўл азоби — гўр азоби, деган мақол аллақачон эскириб кетган. Йўлларимиз раvon, текис. Ҳар қаламда ўзимизнинг Андижон, Хоразмдан чиққан машиналар тул-

– Бу йўлларнинг жигини эзаётган юклар вагонларга ортилса, ортиқча чиқим, харажатлар, асосийси, тирбандликлар камаяди, — дея у энгил машиналарга йўл бермай балангликка интилаётган юк машиналарига ишора қилди. — Шу доводдан водийга темир йўл қурилган, Сардаладан бошланиб, Чодак қишлоғига тоғни тешиб тунел ўтказиларкан, деган хабарни эшитганимда беқор гап, менга чўпчак айтманг, деб гапирган одамни озгига ургандим.

– Қамчиқ довони денгиз сатҳидан 2 минг 200 метр балангликда, — машинада бирга кетаётган шогирдим, Ўзбекистон миллий университети магистри, истеъдодли шоира Гузалхон Эргашева билан гапни қилди.

– Шундай балангликда электрлаштирилган темир йўл қуриш афсона бўлса керак дегандим, ҳақиқатга айланибди, — деди отаҳон. — Давлатимизнинг қудратини, буюклигини қара-я, болам!

Қурама тоғининг қоқ белида қурилган «Орзу» вокзалига етганимизда, отаҳон ҳайдовчилдан 10 дақиқага тўхташни сўради. Шундай юксакликда халқимизнинг орзулари тимсолига айланган вокзал биносининг кутиб зали, она ва болалар хонаси замонавий тарзда, юксак дид билан бунёд этилган. Собир ота вокзал қаршисига соқолларини тутамлаганча бир мулдат туриб қолди... Кафтларини юзига суриб, бунёдкорларни



– Илоҳим, дуоларингиз ижобат бўлсин. Агар темир йўл ишга тушса водийнинг, водийликларнинг ҳаёти янада ўзгариб кетади, отаҳон. Бу кўшимча ишчи кучи, фаровонлик, бозорларимизнинг тўқинлиги, арзонлиги дегани. Тадбиркорлик, инвестиция, туризмга беқийс имкониятлар эшиги очилади дегани.

– Айтишларича мана шу тоғлар орасидаги Довон деган давлат бир вақтлар учқур отлари билан машҳур бўлган экан.

**Энахон СИДДИҚОВА,**  
**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси**  
**Фарғона вилоят бўлими раҳбари,**  
**Олий Мажлис Сенати аъзоси**

# САОДАТ ДОВОНИ

дуо қилди. Алқади. Машинага ўтирганимизда суҳбатимиз яна давом этди.

– Адашмасам, 1995 йиллар эди. Кўп бор Тошкент — Андижон поездига келаётган, юкларини кўшни мамлакат худудидан божхона назорати пайтида йўқотиб, қўполликдан, қолаверса, ўғри, киссавурларга олдириб, дили қон бўлган, хўрланганларнинг оху зорларидан юрагим эзилган. Ушанда бу камситилишларнинг охири йўқдек, нажот кўринмас эди. Кўп ўтмай доvon йўли қурилиш ишга тушганда одамлар елкаларидан тоғ ағларилгандай бўлди. Илоҳим кўз тегмасин. Тангри таоло ажри билан халқимизнинг асрий

– Қаранг-а, — ҳайдовчи йигит менга юзланади. — Ривоятми бу?!

– Менимча ривоят эмас, ҳақиқат. Ёзма манбаларда қайд этилишича, милолдан олдин Фарғона водийсида етмишдан ортиқ қатта-кичик шаҳарлар бўлган. Улардан бирининг номи — Даван бўлган экан. Унинг асосий қисми, бошқарув ва ишлаб чиқарувчи кучлари шарқий Фарғонада ўрнашган. Унинг геосиёсий жойлашувига кўра, мазкур худуд Бақтрия, Сўғд, Чоқ каби тарихий ўлкаларнинг Хитой билан савдо, иқтисодий ва маданий алоқаларида ўзига хос кўприк вазифасини ўтаган. Яна бир муҳим ҳужжатда, Давандан ҳар бири фиёдай келадиган афсонавий учқур отлар келтирилгани ва тўғри саройга жўнатилгани ҳақида ёзилган.

– Мустақиллигимиз туфайли ўша учқур отлар учқур поездлар тимсолида намоён бўлгани яна бир мўъжиза эмасми? Дунёда ҳали-ҳамон давом этаётган молиявий иқтисодий инқироз пайтида, Республикаимизда замонавий уйлар, муҳташам иншоотлар, 280ки ишлаб чиқариш корхоналари, электрлаштирилган темир йўллар, тоғ кўксини ёриб туннеллар барпо этиляпти.

– Устоз, Дунё бежиз Ўзбекистонни бахтлар мамлақати дея эътироф этмайпти, экан-да, тўғрими? — Гузалхон менга юзланди.

– Янги темир йўллар қуриш, ягона темир йўл тизими барпо этиш дунё океанига чиқадиган денгиз, халқаро транзит йўлларидан олиса ва четда бўлган Ўзбекистонимиз тараққиётида, қолаверса, неча асрлар мобайнида Шарқ билан Фарғона боғлаб турган қадимий Буюк ипак йўлини қайта тиклашда алоҳида аҳамият касб этади. Бу йўл Хитой — Марказий Осиё — Европа янги халқаро транзит темир йўл коридорининг энг муҳим бўлиб хизмат қилади. Навоий — Учқудуқ — Нукус — Султон Увайстоғ, Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон, Ангрэн — Поп темир йўллари жўғрофий жойлашуви жиҳатидан халқаро коммуникация ва денгиз йўлларидан олиса бўлган Ўзбекистонни янада юксалтириш ва иқтисодий салоҳиятини бунданда оширишда гоёта муҳим ҳисобланади.

Машинадан бунёдкорлик ишларининг кўламини кузатиб борамиз. Довон йўлларида иш қизгин. Улкан машиналарнинг шовқини, йўлсозларнинг қизгин меҳ-

нати, шижоатидан кўнглингизда шу буюк юртга камарбасталик, унга муносиб бўлиш, бунёдкорликларнинг ичидан бўлиш истаги жўш уради.

«Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятининг ахборот хизмати раҳбари Мирзо Муротов билан бўлган суҳбатда туннель қурилиши, бажарилган ишларнинг кўлами ҳақида сўрадим.

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 18 июндаги «Ангрэн — Поп» электрлаштирилган темир йўл линияси қурилишини ташкил этиш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида янги электрлаштирилган темир йўл линияси қурилмоқда, — дея гап бошлади, М.Муротов биз билан мулоқотда.

– Давримизнинг йирик қурилиш иншоотида, бунёдкорлик майдонига айланган янги линиядаги темир йўлнинг узунлиги 123,1 километр, лойиҳа доирасида қурилаётган туннелнинг узунлиги эса 19,1 километрни ташкил этади.

Ўтган қисқа давр мобайнида ушбу қарор асосида темир йўлчилар ишни режалаш ташкил қилиб, самарали ишларни амалга оширдилар. Бунинг натижаси ўлароқ, лойиҳанинг туннелдан ташқари 104 километрида, яъни Ангрэн станциясидан туннелнинг фарбий ва Поп станциясидан туннелнинг шарқий томонидаги кириш йўлигача бўлган масофада барча қурилиш, электрлаштириш, бунёдкорлик ишлари тўлиқ тугатилиб, 2015 йил август ойининг охирида ишчи поездлар ҳаракати йўлга қўйилди.


Қурилиши мураккаблиги бўйича жаҳонда биринчи саккизталикдан, узунлиги бўйича биринчи 13 таликдан жой олган, МДХ мамлакатларида эса ягона қурилиш ҳисобланган туннель қурилиши ҳақида тўхтайдиган бўлсак, унда жорий йил 27 февраль куни бурғулаш, қовлаш ишлари тугатилиб, ноёб иншоот иккала томондан туташтирилди. Ҳозирги кунда эса пардозлаш ишлари давом этмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ўзимизнинг тажрибали муҳандислар, лойиҳачилар, темир йўл қурувчиларининг улкан меҳнати туфайли, ушбу «Ангрэн — Поп» электрлаштирилган янги темир йўл қурилишида 43 миллион кубометр тупроқ ишлари ҳамда 16,3 миллион кубометр бурғулаш-портлатиш ишлари бажарилди. Лойиҳа асосида 285та сунъий иншоот ва сув ўтказиш қувурлари, 4 та темир йўл станцияси, 4 та разъед ва 2 та вокзал қуриб битказилди.

«Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятига қарашли «Кўприққурилиш» трести унитар корхонаси томонидан, умумий узунлиги 2 минг 100 метрдан ортиқ бўлган 13 та темир йўл кўприги ва 6 та йўл ўтказгич, ҳар бирининг узунлиги 280 метрни ташкил этувчи 2 та туннель кўринишидаги галерея, 15 та темир-бетон ва 26 метрлик битта металл конструкцияли ҳамда 80 метрлик битта пиёдалар кўприги қурилди.

Ушбу маълумотларни эшитиб, шундай гигант қурилишни қойилмақом уддалаётган мамлакатимиз темир йўлчиларининг маҳоратида, қудратига яна бир бор чин юракдан таъзин айтиб, кўнглимиз тоғдек кўтарилди. Ҳадемай пурвиқор, ҳайбатли тоғлар бағрини титрапган электропоездлар, дилларни дилларга, эъларни эъларга боғлайдиган, Ўзбекистонни янги асрга кўприк соладиган, истиқболга иқбол эшикларини очадиган бу темир йўл янги тарихимизнинг мўъжизакор солномасига айланади.

Машинадан бунёдкорлик ишларининг кўламини кузатиб борамиз. Довон йўлларида иш қизгин. Улкан машиналарнинг шовқини, йўлсозларнинг қизгин меҳнати, шижоатидан кўнглингизда шу буюк юртга камарбасталик, унга муносиб бўлиш, бунёдкорликларнинг ичидан бўлиш истаги жўш уради. Суҳбатдошларимиз саодат доvonининг ушбу манзилда ўз фикру ҳаёллари билан банд эди. Ҳар кимнинг кўнлида ҳайрат ўзига хос ақслар, фақат кўзларимиздагина бир хил манзара — шуқуҳга тўла нигоҳларимизда шуқроналик қувончи барқ уриб турарди.



пордай гижинглаб турган бўлса?!

Фурсатдан фойдаланиб отаҳондан ёшани сўрадим.  
– Ҳали ёшман, энди саксон бешдан икки қалам ўтдим, — отаҳон кулади.  
Адашмаган эканман.  
– Яна уч қаламдан сўнг тўқсон-да!  
Отаҳоннинг гапларидан ҳузур қилиб келаётган ҳайдовчи йигит ҳам суҳбатга қўшилиди.

орзу-умидлари донишманд Юртбошимиз раҳнамолигида амалга оширилди. Собир ота жим бўлиб қолди. Унинг хатти-ҳаракатларини кузатаман: соқолларига ҳалқаланиб тушаётган кўз ёшларини артиб, қўлларини дуога очди:


– Аллоҳим, Юртбошимизнинг умрлари зиёда бўлсин, халқимизни Яратганидан ўзи паноҳида асрасин! Тинчлигимиз, ҳамжихатлигимиз барқарор бўлсин!

► Дилдаги гаплар

Мен асли Навоий вилояти Қизилтепа туманида туғилганман. Аммо тақдирнинг изми билан Бухоро шаҳридаги юридик коллежида таҳсил олдим. Коллежни тамомлаб, ишга кирган кезларим эди. Бир тумандош курсдошимнинг никоҳ тўйи бўладиган, хабарчиликка, қишлоқчасига айтганда, тўй «кайвони»лигига сайландим. Шаҳардан ташқарига чиқиб кўрмаган бир ўртоғимни ўша тўйга айтсам, «Тўй қаерда бўлади?» деб қолди.

– Қаерда бўларди, Қизилтепада-да, — дедим ҳайрон бўлиб.  
– Ҳовлида бўладими?  
– Йўқ, ресторанда.  
– Ие, сизларда ресторан борми? — қулиб сўради ўртоғим.  
– Йўқ, бизда ресторан йўқ, — дедим ҳазил аралаш.  
– Электр токи ҳам, сув қувурлари ҳам йўқ. Одамлар кийим ўрнига барг ёпиниб юради, халқимиз чодирларда яшайди. Хуллас, Қизилтепани бир қабила деса ҳам бўлади, — дедим киноя билан.  
– Орадан вақт ўтиб, дўстим билан учрашиб қолдим. Бироз истиқола билан узрхонлик қилган бўлди:  
– Дўстим, ўша гапим учун кеңирасан. Мен туман, қишлоқ

деганда кўчалари лой, уйда газ ўрнига тезак ёқадиган, компьютер, замонавий қурилмалар нима эканини билмайдиган одамлар яшайдиган жойни тушунардим. Иморат, иншоотлар ҳам лойсувоқдан бўлса керак, деб ўйловдим. Аслини кўриб, ҳайрон қолдим. Сизларда яратилган имконият, барпо этилган иншоотлар шаҳарда ҳам йўқ-ку! — деб қолди у.  
Ҳақиқатан, бугун қайси тумани олмаган, ҳар қандай шаҳардан гўзал. Бизнинг Қизилтепа туманимиз ҳам ана шундай замонавий туманлардан. Мустақилликнинг ўтган чорак асрида туманимиз шу қалдар ўзгарди-ки, унинг бугунги қиёфаси ҳалғи дўстимга ўхшаганларни ҳақиқатан ҳайратта



солади. Эҳ-ҳе, мактабу коллежлар, замонавий иншоотларни бир кўрсангиз эди. Аиниқса, истироҳат боғларимиз ҳеч бир шаҳарниқидан қолишмайди. Янгидан барпо этилган тиббиёт бирлашмаси-ю, ундаги хизмат кўрсатиш сифатидан ҳамма мамнун. Сўнгги йилларда барпо этилиб, энг замонавий жи-

ҳозлар билан таъминланган «Болалар спорт маркази» ёшларнинг сеvimли масканига айланган. Унинг ёнида эса ёпиқ сув ҳавзаси учун пойдевор қўйилди. Мустақиллигимизнинг 25 йиллик тўйи олдиман ушбу объект туманимиз болалари учун ҳақиқий совға бўлади.

– Аввалига ишим юришмади, шу сабаб кўлаб жойларда бўлдим, — дея таассуротларини гапира бошлади у.  
– Мактаблар, корхона ташкилотларни кўрдим. Болалар кўпчилиги эски мактабларга боришаркан. Бизникидек коллежлар қайда, чекка худудлар



дагилари қулаб тушай дейди. Ўқиб юрган кезларимиз ўзимга яратиб берилган имкониятларнинг қалрига етиб, аёло ўқисам бўларкан, институтга кирсам, хоричда тентираб юрмасдим. Кўп тенгдошларимиз мактабни битирган, пивоҳона, кафе, бардан бери келишмайди. Уларни сўроқлайдиган одамнинг ўзи йўқ. Бизларнинг бўй йигит-қизларимиздек китоб кўтариб, тайёрлов курсларига борадиганлари камдек туюлди менга. Марказий шаҳарларда ҳам бўлиб қайтдим. У ерда аҳвол бир мунча яхши, лекин муҳожирларга паст назар билан қарашлари одамнинг ғазабини кўзгайди. Бундан ташқари, кечалари кўчага ҳам чиқа олмайсан, соғ қолишинг гумон. Бизда эса

чет эллиқлар ўзининг юртидан ҳам эркинроқ юришади, кечасими, кундузими — ҳар доим ҳамманинг тинчлиги таъминланган, қафолатланган. Ватан қалрини бошқа юртларда бўлганлар билан, деганлари рост экан, икки хил муҳитни чоғиштира бошлар экансан. Ўзбекистондек гўзал, фаровон, тинч мамлакатни ҳеч қаердан топа олмастимни тушуниб етдим...  
Ҳа, тенгдошим, ота-онадан кечиб бўлмаганидек, Ватандан ҳам кечиб бўлмайди. Буни ўз вақтида англаб, киндик қонимиз тўқилган юртинг қадрига етиш фарзандлик бурчимиз-ку, ахир...

**Улуғбек КАРИМОВ,**  
*Қизилтепа тумани*

# ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ — ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ АСОСИ

## ► “Ёш журналистлар клуби” да

Бугунги кунда ҳар биримиз ҳамма жойда ва ҳаммиш ҳуқуқий муносабатга рўпара келамиз. Айниқса, ҳар жиҳатдан етук журналист бўлиш учун ҳуқуқшунослик соҳасини чуқур билишга тўғри келади. “Ёш журналистлар клуби”нинг навбатдаги машғулотида юридик фанлар доктори Акмал Саидовнинг ташрифи ёш журналистлар қалбида ҳуқуқшунос журналист бўлиш истагини уйғотган бўлса ажаб эмас.

**Ж**урналистика ва ҳуқуқшуносликнинг бир-бирига боғлиқлиги шундаки, иккала соҳа ҳам инсонлар манфаатини ҳимоя қилади. Журналистика ҳуқуқ берган имкониятлардан фойдаланиб эркин фаолият юритади. Ҳуқуқ эса журналистика орқали ўз қонун-қондаларини халқ оғина синдиради. Ушбу ҳамкорлик давом этар экан, жамият тараққий этаверади.

Дунё бўйича шифокорлар, дастурчилар, юристларнинг хизматига талаб юқори, — дейди Акмал Саидов. — Аммо кузатишим бўйича, аксарият юрдошларимиз фақат қонун бузилиш ҳолатларидагина ҳуқуқшуносга мурожаат қилади. Кўпчилик қонунга жазоловчи восита сифатида қарайди. Ҳолбуки, қонунлар инсон ҳуқуқини ҳимоя қилади. ОАВда ҳам кўпинча қонунбузарлик содир этгани учун жазоланганлар ҳақида гапирилади. Аммо қонун берган имкониятлар асосида муваффақиятга эришайотган, том маънодаги талбиркор инсонлар ҳақидаги ахборотлар саноқли.

Инсон дунёқарашини шакллантиришда журналистларнинг ўрни бекиёс. Журналист сўзи жамоатчилик эътиборида. Шундай экан, унинг ҳар бир мақоласи фуқаролик жамиятини юксалтиришга қаратилиши керак.

А.Саидов сўзида давом этиб, ҳар қандай инсон кунига бир марта бўлса ҳам китобга, телевидение ёки радиога мурожаат қилишини ташкиллади. Ҳуқуқий билимларни аҳолига зери-

карли маърузалар, анъанавий усуллар орқали эмас, билвосита бадиий асарлар, кўрсатув-



лар, радиоэшиттиришлар орқали берилса яхшироқ самара беради.

Бугун ҳаётни интернетсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Оз фурсат ичида у инсонлар ҳаётининг ажралмас қисмига айланиб улгурди. Оммавий ахборот воситаси сифатида ҳам энг кўп аудиторияга эга. Ижтимоий тармоқларда ҳар кунги, ҳар соатда турли мавзуларда баҳс-мунозаралар бўлади. Айнан глобал тармоқда ҳуқуқий билимлар берадиган, кимнидир қийнаётган муаммоларга ҳуқуқий ечим топадиган, саволларга жавоб бера оладиган сайт очилса мақсадга мувофиқ бўларди.

Юртимизда энг кўп учрайдиган қонунбузарлик ҳолати белгилаб қўйилган никоҳ ёшига риоя қилмай турмуш қуришидир. Энг ачинарлиси, аксарият ҳолда буни оила қураётган икки ёш эмас, оқу қорани таниган, ҳаётий тажрибага эга ота-оналар хоҳлашапти. Натижада эса турмушининг муштига чидай олмай фарзандлар жабрланаёпти. Қонунга ҳурмат, масъулият ҳиссини халқимиз онига синдириш биз журналистларнинг вазифамиз.

А.Саидов профессионал журналист қандай бўлиши керак ва унинг вазифалари нималардан

турмаъно шеърларни бошқа тилларга таржима қилиб алабийетимизни кўз-кўз қилишимиз мумкин. Бунга эришишнинг калити, албатта, тил билишга бориб тақалади. Шундай экан, биз журналистлар бошқа соҳа вакилларида кўра кўпроқ тил ўрганишга эътибор қаратишимиз лозим. Касб сирлари доирасида шу каби фикр-мулоҳазалар юритилар экан, ёшларнинг аксарияти ҳуқуқий саводхонликни оширишга, хоржий тилларни ўрганишга бел болашди. Учрашув сўнггида А.Саидов ёшларнинг қизиқарли ва долзарб саволларига жа-

Норийнговта. — Шу йил ҳуқуқшунослик дарсидан устозимиз конституцияни ёд олишимизни маслаҳат берди. Тўғри, ёдлаш бироз қийин бўлди, аммо бу ёдлаш жараёнида унинг моҳиятини англаб, анча ҳуқуқий саводхонлигим ошди. Уйлайманки, бугунги ёшларнинг ҳаётида ўз ўрнини топишда ҳуқуқий саводхон бўлиши жуда ҳам муҳим.

Лицеяда ижтимоий гуманитар йўналишида ўқиганман. Устозларим келажакда, журналист бўлмоқчи эканимни билиб қайта-қайта тил ўрганишим кераклигини та-

иборатлиги ҳақида гапирганда хоржий тилларни билиш масаласига алоҳида тўхталиб ўтди. Глобаллашув натижасида глобал тармоқ орқали бутун дунё ахборот майдонидан ахборот қабул қилиш ёки жойлаштириш мумкин. Чет тилларини, айниқса, инглиз тилини билган журналист хоҳлаган манбадан фойдаланиб мақола ёзиши ва кутилган натижага эришиши мумкин. Бугун юртимизда амалга оширилаётган сиёсат, ўзбек ёшларининг ютуқлари, халқимизнинг бағрикенглиги, инсонпарварлиги ҳақида бутун дунёга баралла айтиш имкони бори. Адибларимиз томонидан яратилган асарлар, бир-бирдан


вор қайтарди. — Биз ўз фаолиятимизни қонунларни ўрганишдан бошлашимиз, нафақат ўзимизни балки бутун омманинг манфаатларини ҳимоя қиладиган даражада салоҳиятга эга бўлишимиз лозим, — дейди ЎЗМУ журналистика факультети биринчи босқич талабаси Зухра

рорлашган, — дейди Елена Чўянова. — Ўша пайтда бунга эътибор бермаганман. Энди тушундимки, журналист нафақат ўзи яшаётган давлат, балки бошқа мамлакатларда бўлаётган воқеалардан хабардор бўлиши бевосита ўзи ҳам ахборот тарқата олишдек салоҳиятга эга бўлиши керак экан.

Замон шиддат билан оқаётган денгиз. Ундан бир қадам олдинда юрмаган журналист тўлқинлар орасида қолиб кетиши мумкин. Ҳар бир машғулотни олам-олам таассуротлар билан, мазмунли ўтказаятган ёш журналистларнинг келажаги порлоқ, қадамлари замондан олдинроқда бўлишига ишонаман.

Шоҳсанам КОМИЛОВА,  
клуб аъзоси

## ► Диққат, танлов давом этмоқда! Журналистика соҳасида “Олтин қалам” XI Миллий мукофоти



Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Журналистларни қайта тайёрлаш маркази билан ҳамкорликда миллий ва халқаро журналистиканинг энг юксак ютуқларини кенг оммалаштириш, ОАВ ходимлари фуқаролик позицияларини намоён этишлари учун шариот яратиб ҳамда журналистларда танқидий фикрлашни ва ижодий фаолиятга янгича ёндашувларни шакллантириш мақсадида “Олтин қалам” XI Миллий мукофоти учун халқаро танловни ўтказлади.

3-май — Жаҳон матбуоти эркинлиги кунига бағишланган бу танловга 2015 йилнинг 31 мартдан 2016 йилнинг 31 мартгача — бир йил давомида газета ва журналларда чоп этилган, радио орқали эфирга узатилган ҳамда телевидениеда кўрсатилган ва интернет нашрларида берилган материаллар 2016 йилнинг 10 апрелгача қабул қилинади.

### Танлов ғолиблари учун куйидаги мукофотлар таъсис этилган:

#### Журналистика соҳасида бош миллий мукофот.

Ғолиб махсус диплом, “Олтин қалам” кўкрак нишони, статуеткаси ва Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақининг 200 баробари миқдорда пул мукофоти билан тақдирланади.

#### Асосий мукофотлар:

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (телевидение — 1-, 2-, 3-ўринлар);  
Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (радио — 1-, 2-, 3-ўринлар);  
Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (босма ОАВ — 1-, 2-, 3-ўринлар);  
Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (интернет-журналистика — 1-, 2-, 3-ўринлар).  
Биринчи ўринни олган ғолиблар диплом, “Олтин қалам” кўкрак нишони, статуеткаси ва энг кам иш ҳақининг 160 баробари миқдорда пул мукофоти билан тақдирланади.  
Иккинчи ўринни олган ғолиблар диплом, “Олтин қалам” кўкрак нишони, статуеткаси ва энг кам иш ҳақининг 140 баробари миқдорда пул мукофоти билан тақдирланади.  
Учинчи ўринни олган ғолиблар диплом, “Олтин қалам” кўкрак нишони, статуеткаси ва энг кам иш ҳақининг 120 баробари миқдорда пул мукофоти билан тақдирланади.

#### Рағбатлантирувчи мукофотлар учун номинациялар:

Энг яхши фоторепортаж;  
Энг яхши матбуот хизмати.  
Мазкур номинациялар ғолиблари диплом, “Олтин қалам” статуеткаси ва энг кам иш ҳақининг 50 баробари миқдорда пул мукофоти билан тақдирланади.  
“Олтин қалам” танлови ғолибларини мукофотлаш, шунингдек, уни ўтказиш билан боғлиқ сарф-харажатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонднинг молиявий кўмағида амалга оширилади.

Шунингдек, танловда республикамиздаги бир қатор жамоат ташкилотлари ҳамда халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари куйидаги рағбатлантирувчи номинацияларда ўз мукофотларини таъсис этганлар:

1. Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси — “Оммавий ахборот воситаларида хотин-қизлар фаолияти ёритилган энг яхши материаллар учун”.
2. Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши — 2 та номинация:  
а) “Соғлом она ва бола йили” мавзусидаги энг яхши материал учун”.
- б) “Ижтимоий шериклик мавзусидаги энг яхши материал учун”.
3. Ўзбекистон Мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш Жамоат фонди — 2 та номинация:  
а) “Кесаларни эъзозлаш йили” Давлат дастури ижросини кенг ва самарали ёритгани учун”.
- б) “Энг яхши таҳлилий-танқидий материал учун”.
4. ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси — “Орол денгизи худудининг барқарор ривожланишида хотин-қизларнинг роли”.
5. БМТнинг Ахборот офиси — “Энг яхши ёшлар интернет нашри”.
6. “Худудий мулоқот” (Словения) — “Қонун устуворлиги ёритилган энг яхши материаллар учун”.
7. ЮСАИДнинг Ўзбекистонда сил касаллигига қарши кураш бўйича дастури — “Сил касаллигига қарши кураш масалалари ёритилган энг яхши материаллар учун”.
8. Германия Халқ университетлари DVV International халқаро ассоциациясининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси — “Катталарни ўқитиш ва таълим бериш соҳасида ОАВдаги энг яхши материал учун”.

#### Танлов шартлари:

Танловга теле-, радио-, босма материаллар ҳамда интернет нашрларида эълон қилинган ишлар тақдим этилади (5 тадан кам бўлмаслиги керак).  
Телевидение бўйича видеоматериаллар, ахборот ташувчи воситанинг қандай қуринида бўлишидан қатъи назар, 3 дақиқадан 30 дақиқача бўлиши керак.  
Радиоэшиттиришлар (CD, DVD дискда) 5 дақиқадан 30 дақиқача бўлиши керак.  
Матбуот ва интернет материаллари асл нусхада ёки кўчирма нусхада тақдим этилиши лозим.

#### Танловга юборилган материалларга қуйидагилар илова қилиниши лозим:

Муаллиф ҳақида маълумотнома (объективка);  
муаллифнинг турар жойи, уй ва иш телефонлари;  
паспорт нусхаси.  
Танлов ғолибларини тантанали мукофотлаш маросими 2016 йил 3 май — Жаҳон матбуоти эркинлиги кунини “Туркистон” саройида ўтказилади.  
Мукофот бир шахсга тақдоран берилмайди.

Материаллар “Олтин қалам” танловига деб кўрсатилган ҳолда куйидаги манзила юборилиши лозим:  
100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй  
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, 3-қават.  
Телефонлар: 244-64-61; 244-37-87  
www.Journalist.uz

# МАТБУОТ ВА ДАВР

## ► Маҳаллий нашрлар фаолиятдан

Давраларда, йигилишларда бирор туман ҳақида гап кетганда, ер-сув, шароити, иқлими, табиати билан бирга, маҳаллий нашрлари ҳам тилга олинади. Табиийки, ҳар бир нашр шу худуднинг юзи, кўзи, сўзи, хуллас, ойнаси ҳисобланади. Газета саҳифаларини варақлаб, туман деҳқончилиги, sanoатидоги тараққийёт ёки муаммолар, одамлар кайфияти, яшаш тарзини билиб олиш қийин эмас.

**К**амина «Ургут садоси» деб номланган туман газетасида бўлим мудир, масъул котиб, муҳаррир бўлиб узок йиллар ишлаб, собиқ иттифоқ даврида газета чоп этишнинг барча азоблари, қийинчиликларини бошимдан ўтказганман. Узок ўтмишни қўйиб турайлик, етмишчинчи, саксонинчи йилларда ҳам босмахона фаолиятини ҳал ҳолатда эриётган кўрсатиш ҳиди анкиб турган ҳақдан ташқари иссиқ хонада линотип машинасида минг азобда териларди. Кейин саҳифаларни тайёрлаш ярим оқшомгача давом этарди. Босмадан чиқиб жараёни одамнинг асабини, қулғини ишдан чиқарадиган даражада шовқин кўтариб ишлайдиган эски, шалоқ машиналарда кеч соат ўн еттидан эрталабки саккизгача тик оёқда турувчи икки ходим назорати билан чоп этилади. Саҳифалар бўлиб кетарди. Сурати босилган кишиларни таниб бўлмасди.

Мустақиллик йилларида бошланган ислохотлардан тахриратлар ҳам, босмахоналар ҳам четда қолмади. Истиқлол тахририятга, босмахонага янгича нафас бошлаб кирди. Газетамиз 1998 йилдан офсет усулида, 2013 йилдан рангли тасвирда чоп этилаёпти. Суратларнинг тиниқлиги, материалларнинг жойлаштирилиши ва мазмун жиҳатдан собиқ иттифоқ давридигандан ер билан осмонча фарқ қилади. Авваллари газета материалларини териш ва тайёрлашга икки-уч кунда зўрга улгу-

рардик. Ҳозирги кунда материалларни компьютерда териш ва саҳифалаш учун атиги бир кун, чоп этиш учун бор-йўғи ўн беш-ийтирма дақиқа кифоя қилмоқда.

Барчанинг эътибори, куч-қуввати коммунистик партия мафқурасига хизмат қилишга қаратилган йилларда бюрократик муносабатлар тинкамизини қуригарди. Маҳалларга бориб, машинасида отасини жума намозига олиб келган коммунистларни излаб топиш, улар ҳақида фельетонлар тайёрлаш топширилди. Машинаси ойнасига тумор осиб олган автомобиллар ДАН ходимлари ёрдамида тўхтатиларди, уларнинг эгаларини «Тумор операцияси» рукни остида қаттиқ танқид қиларди. Энди эса бу ишлар ниҳоятда кулгили туюлади. Фахрланадиган томони шундаки, бу эътиқод эркинлиги кафолатланган, давлат томонидан ҳаж сафарига борувчилар учун имкониятлар яратиб берилган, рўза ва қурбон ҳайитлари байрам сифатида нишонланмоқда. Ўлмас қадриятларимиз қайта тикланганлиги, собиқ иттифоқ даврида фаолияти қораланган улғу аждошларимиз мақбаралари атрофида ташкил этилган қурилиш, ободончилик ишлари олиб бориляпти ва буларнинг барчаси ҳақида лавҳалар, очерклар чоп этилаёпти.

Хеч ёдимдан чиқмайди, етмишчинчи йилларнинг охирида Қуйиқошқоқ маҳалласида яшовчи бир ўқитувчининг уйдан икки-уч қатор араб ҳарфлари битилган бир парча қоғоз топиладиган,

у шўрлик ишдан ҳайдалди. Уйда тинтув ўтказилди. Унинг «қора қилмиши» ҳақида газетга материал ҳам берилди. Эндиликда, газетамиз саҳифаларида Қуръон оятлари, пайғамбаримиз ҳиссалари, азиз авлиёларнинг ибратли фаолиятлари ҳақида ҳам илмий, ҳам оммабоп мақолалар бераймиз. Истиқлолнинг инъом этган имконияти туфайли бу соҳада ҳеч ким бизга тазийқ ўтказаятгани йўқ. Аксинча, раҳмат эшитаятмиз, рағбат кўраямиз.

Агар собиқ иттифоқ даврида Ўзбекистонда пахта яккаҳоқимлиги кенг қулоч ёган бўлса, Ургутда даярли барча экинзорларни тамаки эгаллаганди. У қанчалик аччиқ, захарли бўлмасин, тамакичиликни, тамакикорларни таъриф-таъсиф этишга мажбур қилингандик. Аҳвол шу даражага боргандик, одамлар ҳовлисида, ўтирадиган супасининг олдида тамаки экила бошланди. Биз, журналистлар эса тамакинни «яшил олтин» деб аташгача бориб етгандик. Аччиқ, захар махсуслотни олтинга тенглаштирдир-а...

Тамаки якка ҳоқимлиги ана шундай авжга минган йиллари бу sanoат экиннинг барглари «ширинча» тушадиган бўлиб қолди. Унга қарши вертолёт ёрдамида кимёвий ишлов берила бошланди. Нафақат тамаки, балки унинг барглари узаётган фуқаролар, ҳатто мактаб ўқувчилари устидан ҳам инсон ҳаёти учун ўта зарарли бўлган захар-заққум пуркаларди. Ундан ҳаво ҳам, ариқлардаги сув ҳам, ўт-ўланлар ҳам захарланарди. Оқибатда одамлар ҳам, ҳайвонлар ҳам оғир касалликка чалинарди. Минг афсуски, бу аянчи ҳолат ҳақида ўткир фельетонлар, танқидий мақолалар эмас, мақтовли хабарлар ёритилганини эсласак, ростки, эндиликда виждонимиз қийналади.

Шукрки, мустақиллик тамакига бўлган муносабатимизни тўғри ўзганга солди. Бугунги кунда тамаки майдонларининг кескин қисқартирилгани, унинг ўрнида барпо этилаётган интенсив боғлар, ҳар йили ҳосилдорлиги ошиб бораётган галлазорлар, тоқзор-

лар ҳақида ёритган материалларимиз фуқароларнинг ерга, меҳнатга муносабатини ўзгартирмоқда. Истиқлол туфайли яратилаётган шариот, имкониятлардан кенг, самарали фойдаланишга ўргатмоқда.

Кейинги йилларда мамлакатимизнинг бошқа худудлари қаторида Ургут ҳам ҳақиқий қурилиш майдонига айланди. Шаҳар марказида бунёд этилган маланият ва истироҳат боғи, мусиқали фавворалар, аттракцион ўйингоҳлар, амфитеатр, спорт мажмуи, тиббиёт бирлашмасининг янги шифо масканлари, савдо, sanoат, машиий хизмат кўрсатиш шохобчалари ҳақида босилган турли жанрдаги материаллар одамларда эртанги кунга ишонч уйғотмоқда. Улар кундалик ҳаётимизга кириб келаётган бундай ўзгаришлар фақат мустақиллик шарофати эканини чуқур ҳис этаётдилар. Бу ҳақида фуқароларимизнинг ўзлари ҳам тахририятимизга мактуб йўллаб, фикр-мулоҳазаларини ёзмоқдалар.

Бугунги кунда спорт-соғломлаштириш мажмуалари ҳамда ёшларнинг спортнинг турли йўналишларида эришяётган ютуқлари ҳақида тўққизлаб эълон қилинган мақолалар кўп. Газетамизнинг ўтган йилги сонларида шашка бўйича Осие чемпиони Алиевлар сулоласи, 85 килограмм вазнда кўл жанги бўйича жаҳон чемпиони қайроқчилик Илёс Раимов, пенчак-силат бўйича жаҳон кубоғи соҳибига Лазиз Насимжонов, оғир атлетика бўйича уч карра жаҳон чемпиони Муҳаммад Бегайиевлар ҳақида эълон қилинган мақолалар шулар жумласидандир.

Газетамизни ўтган йилдан бошлаб катта ҳажмда (А2) чоп этишни йўлга қўйдик. Натижада унинг мундарижаси кенгайди. Эндиликда, мавзуларнинг ранг-баранглиги таъминланмоқда. Бундан бунд биз, қалам аҳли мустақиллик чашмасидан сув ичиб, баҳра олиб, эзгулик йўлида кизмат қилаверамиз.

Файзи ХАЙДАРОВ,  
«Ургут садоси» муҳаррири

# ИҚЛИМ ЎЗГАРИШЛАРИ ВА ОҚИЪАТЛАР

## ► Шарҳ

Айни пайтда Африка қитъаси жанубидаги курғоқчилик туфайли минтақада 14 миллион киши очлик гирдобига тортилиши мумкин. Бунга ўтган йили ҳосилдорликнинг камайиб кетиши ва Эл-Нино деб номланмиш табиат кўриниши сабаб бўлди. БМТнинг Жаҳон озиқ-овқат ташкilotи маълумотларига кўра, бу йил ҳам минтақада кучли курғоқчилик юз бериши эҳтимоли бор.



қаришни 1990 йилги даражага тушириши керак. XXI аср охирига қадар эса бу рақам нолга тушиши керак.

Атмосфера учун зарарсиз энергия манбаи гидроэнергетика, атом электр станциялари ва қайта тикланувчи янги (қуёш, шамол) манбалари ҳисобланади. Гидроэнергетикадан чекланган миқдорда фойдаланиш мумкин. Чунки ер юзиде дарёлар унчалик ҳам кўп эмас. Шамолдан ҳам ҳамма фойдаланиб бўлмайди. Шу сабабли келажакнинг энергетика манбаи сифатида янги манбаларни излаш керак.

Агар ҳукуматлар агроф-муҳит муҳофазаси билан жиддий шугулланмайдиган бўлса, у ҳолда 2100 йилга бориб, сайёрамизда ҳаво ҳарорати 3,7-4,8 даражагача кўтарилиши мумкин. Иқлимшунослар ҳарорат 2 даражадан ошганидан сўнг экология хавф остида қолишидан огоҳлантириб келишади. Иқлим муаммоларига эътиборни қаратиш мақсадида БМТ мунозараларга нафақат сиёсатчилар ва олимларни, балки таниқли кишиларни, жумладан, кино ва санъат юлдузларини ҳам жалб қилишга қарор қилди.

Иқлим ўзгариши ва табиий офатлар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни сайёрамизнинг турли минтақаларида кузатилаётган ноодатий ёғингарчилик, қорбўронлар, ўрмон ёнғинлари каби ҳодисаларни ўрганган америкалик олимлар исботлашди.

БМТ экспертлари иқлим ўзгаришлари экинлар ҳосилига салбий таъсир кўрсатаётганидан огоҳлантиришмоқда. Айниқса, бу каби нохушликлар Африка, Осиё ва Лотин Америкаси мамлакатларида яққол кўзга ташланмоқда. Ҳосилнинг камайиб кетиши озиқ-овқат муаммоларини келтириб чиқариши ҳеч кимга сир эмас. Вазият шундай давом этадиган бўлса, у ҳолда 2080 йилга бориб 600 миллионга яқин киши очлик билан тўқнаш келиши мумкин.

Иқлим ўзгаришидан келадиган талафотларни камайтириш учун инсоният ўз фаолиятининг барча соҳаларида, жумладан, соғлиқни сақлаш, қишлоқ ҳўжалиги ва бошқа инфратузилмаларда режалари иш олиб бориши лозим.

Иқлим ўзгаришига қарши ҳар бир давлат ўз имкониятидан келиб чиққан ҳолда кураш олиб боради. Масалан, Голландия ва Бангладеш бир хил муаммолар билан тўқнаш келмоқда. Ҳар икки мамлакатда океан сатҳининг кўтарилиши туфайли мунтазам бўрон ва тўфонлар бўлиб турибди. Голландия тўғон қуриш орқали хавфга қарши курашади. Бангладеш эса маблаг йўқлиги сабаб бу ишни қила олмайди. Мазкур мамлакатнинг хавфли ҳудудларида 100 миллионга яқин киши истиқомат қилади.

Олимларнинг фикрича, ҳаво даражасини 2°C ушлаб туриш учун 2050 йилга қадар мамлакатлар парник газларини чи-

қаришни 1990 йилги даражага тушириши керак. XXI аср охирига қадар эса бу рақам нолга тушиши керак.

Агар ўз вақтида зудлик билан чора-тадбирларни кўрмайдиган бўлса, у ҳолда хавфсизлик ва глобал фаровонликка қаратилган режаларимизни ҳаётга таъбиқ эта олмаймиз” деди Пан Ги Мун. Бош котиб ҳисоботда сув тақчиллиги, денгизлар сатҳининг кўтарилиши, музликларнинг эриши, хавфли метеорологик кўри-нишлар (кунларнинг исиб кетиши, курғоқчилик, сув тошқинлари, бўрон ва тўфонлар, ёғингарчилик, қуқун ва бошқалар) барча мамлакатларни қамраб олаётгани ва сайёрамиз экотизимига салбий таъсир кўрсатиши таъкидланди. “Ҳатто иқлим ўзгариши Арктикада ҳам кузатишмоқда. Кунларнинг исиб кетиши одамлар соғлигига таъсир кўрсатмоқда, оқ айиқлар қирилиб кетиши хавфи билан тўқнаш келди” дейилади ҳисоботда. Амазония ўрмонларининг сақланиб қолиши ҳам савол остида қолмоқда. Таҳлилчилар, бу жараёни тўхтатиш борасида жиддий чора-тадбирлар кўрилиши лозимлигини айтишмоқда.

Соҳа мутахассисларининг фикрича, қуёшдан келатган нурлар, атмосфера қатламидан ўтар экан, ҳаво таркибидаги газларни иситиш учун тўртдан бир энергиясини сарфлайди. Бунда, асосан, узун тўлқинли нурлар утирилиб қолади. Ер юзасига етиб келган бир қисм Қуёш нури акселаниб, яна қонинотта қайтади. Қолган қисми Ер юзасини иситишга сарфланади. Маълум даражада қизиган Ер ҳам ўзидан иссиқликни нурлата бошлайди. Аммо бу нурларнинг тўлқин узунлиги қуёшдан тушаётган нурларнинг тўлқин узунлиги-

дан кескин фарқ қилади. Бундай нурларни ҳаводаги карбонат ангидрид гази қатлами ўтказмайди ва тўлқингича ютиб қолади. Шу тариқа, Ер юзасида ҳаёт учун мўътадил ва нисбатан қулай иқлим шароити сақланиб туради.

Ривожланган мамлакатлардаги аҳолининг камбағал қисми иқлим ўзгаришидан энг кўп азият чекмоқда. Гап бу ерда озиқ-овқат, кийим-бош, тураржойга бўлган эҳтиёж борасида кетмоқда. Қишлоқларда ночор аҳволга тушиб қолган аҳоли шаҳарларга йўл олишлари билан иситилган ҳаво таъсир кўрсатмоқда. Айни дамда ҳукуматлар талафотларни имкон қадар камайтиришга уринмоқда.

Глобал иқлим ўзгариши инсон фаолияти оқибатида келиб чиққанлиги аниқ далиллар билан исботланди. Вазиятнинг жиддий экани халқаро ҳамжамият томонидан тан олинмоқда. Айни дамда ҳукуматлар талафотларни имкон қадар камайтиришга уринмоқда.

XXII асрга бориб баҳор ва куз тарихдан ўрин олиши мумкин, деган кўрқувлар ҳам бор. Бироқ энг даҳшатли муаммо озиқ-овқат етишмовчилигидир. 2050 йилга бориб галла ҳосили 25 фоизга камайиб кетади. Иқлим ўзгариши давлатлар ўртасида қуролли можароларга сабаб бўлади. Бу каби можароларда, асосан, камбағал давлатлар зиён кўради. Бироқ курғоқчилик ва сув тошқинлари ривожланган давлатлар иқтисодиётига катта зарар етказиши мумкин. Буларнинг барчаси табиатнинг сарфаси борасида зудлик билан зарурий чора-тадбирлар қўрилиши, бу борада барча ҳукуматлар яқинлиқни намоян этишини тақозо қилади. Акс ҳолда...

Шарофиддин ТўЛАГАНОВ

## ► Бу турфа олам

### ТЕЗ ЮРГАН ИНСОН УЗОҚ ЯШАЙДИ

Узоқ яшаш сирлари устида иш олиб бораётган америкалик бир гуруҳ олимлар инсоннинг илдам юриши билан узоқ яшашнинг ўртасида боғлиқликни аниқлашди.

Мутахассислар олиб борган тадқиқотларда кекса ёшдаги 35 минг нафардан зиёд киши иштирок этди. Натижаларга кўра эса ўн йилдан буён ҳаракати секинлашиб қолган аёлларнинг 35 фоизи етмиш беш ёшга ета олмади. Теиз юришга одатланган аёлларнинг 91 фоизи 85 ёшгача умргузаронлик қилди. Худди шунга ўхшаш ҳолат тез юрадиган кекса эркекларда ҳам кузатилди.


Олимларнинг айтишича, инсон организмнинг ўзи қандай юриш лозимлигини танлаб олар экан. Бир сўз билан айтганда, инсон қанчалик илдам ҳаракат қилса, шунча узоқ яшаш қобилиятига эга. Гап шундаки, секин юривчиларнинг аксарияти юрак ва қон-томир хасталиқларига чалинган кишилар бўлишади.



### КУЁШДАН 30 МИЛЛИОН БАРАВАР ЁРУФ

НАСА космик агентлигининг мутахассислари жуда улкан ҳажмли 9 та юлдуздан иборат тўдани топишди. Айни пайтда сайёрамизга яқинлашган бу юлдузларни «Хаббл» телескопи ёрдами билан аниқлаш имкони туғилди.

Маълум бўлишича, уларнинг ёши ҳам у қадар кекса эмас. Улкан ҳажмли юлдузлар Ердан 170 минг ёруғлик йили масофадаги Тарантула юлдузлар туркумида жойлашган. Мутахассисларни яна бир ҳайрон қолдирган нарса шу бўлдики, ушбу фазовий жисмлар вазиона кўра қуёшдан юз баравар оғирроқ экан. Янги топишган юлдузлар шу пайтгача инсониятга маълум бўлган юлдузлардан анча оғир, дейишмоқда астрофизиклар. Мазкур юлдузлар қуёшдан нафақат ҳажми, балки ёруғлиги жиҳатдан ҳам анча фарқ қилади. Аниқроғи, уларнинг ёруғлиги қуёш ёруғлигидан ўттиз миллион марта кучли.



### ТАМАКИДАН АСТА-СЕКИН ВОЗ КЕЧИШ АМРИМАҲОЛ

Агар сиз чекишни ташламоқчи бўлсангиз, ундан бираўла воз кечганингиз маъқул. Нега дейсизми? Чекишни аста-секин камайтириб боришга уриниш ҳамма ҳам наф бермайди.

Олимлар томонидан ўтказилган тадқиқотларда чекишни камайтириб бориб ташлашга уринган кишилар ҳамма ҳам қўзланган мақсадга етолмас экан.

Кашандаликда бираўла воз кечган кишилар оз-оздан чекиб юрганларга қараганда тамакисиз ҳаётга олти ойдан кўпроқ муддат чидашга маваффақ бўлишди. Тажриба доирасидаги барча иштирокчиларга мутахассислардан маслаҳат олиш, никотин пластырларни қалб қилишига рухсат этилди.

Тажрибадан олти ой ўтгач, чекишни аста-секин ташловчиларнинг 15,5 фоизи кашандаликдан халос бўлдилар. Бирданига чекишни ташлашга аҳд қилганлар орасида уларнинг сони 22 фоизни ташкил этди. Умуман олганда, тажриба иштирокчиларнинг аксариятига оз-оздан чекишни ташлаш гоёси кўпроқ маъқул бўлди. Экспертлар кашандаларга чекишни ташлайдиган куннинг аниқ санасини белгилаб олиш лозимлигини маслаҳат беришмоқда.



### МИНИ РОБОТЛАР ИККИ ТОННАЛИК АВТОМОБИЛНИ ЖОЙИДАН КЎЗГАТДИ

Стэнфорд университетининг олимлари 1800 килограммлик автомобилни жойидан кўзгата оладиган атиги 20 граммлик роботларни яратишга муваффақ бўлдилар.

Ушбу вазифани удалаш учун олтига робот-чумолига буйруқ бериш кифойа қилди. Бунда икки тонналик машинани жойидан жилдириш учун буй-ўғи 100 грамм оғирликдаги роботчалар иштирок этишди. Бажарилган ишнинг миқёсини англаб олиш учун митти машиналар муваффақияти инсон имкониятлари билан таққослаб кўрилди.

Олимларнинг айтишича, бу юмушни бажариш олти нафар одамнинг Эйфель минорасини жойидан кўзгатиши билан тенг келар экан. Шу билан бирга мутахассислар митти роботлар ўз вазифасини муваффақиятли адо этишлари учун анча кўп вақт сарфлаганини қайд этишди. Шунга қарамасдан бундай ишланманинг келажоғи ниҳоятда истиқболли. Чунки, мутахассислар машина-чумолилардан қурилиш ишларида самарали фойдаланиш мумкинлигини таъкидлашмоқда.

Интернет материаллари асосида А.АЗИМОВ тайёрлади.



Африка Тараққиёт банки эълон қилган баёнотга кўра, айни кунда Африка аҳолисининг тўртдан бир қисми тўйиб овқат емасликлдан азият чекмоқда. БМТ Жаҳон озиқ-овқат ташкilotи мазкур минтақада кузатилаётган озиқ-овқат хавфсизлигининг бугунги вазиятидан хавотирга тушаётганини билдирди. Минтақада экин экиш ишлари деярли якунланганлигига қарамай ҳосил мўл бўлишига шубҳа бор. Ўтган йили ёмғир кам ёққани боис Малавида аҳолининг 2,8 миллиони очлик ёқасига келиб қолди.

Айни чоғда Мадагаскарда 1,9 миллион, Зимбабведа 1,5 миллион киши очарчиликдан азият чекмоқда. Лесото ҳукумати курғоқчилик сабабли ўтган йилнинг декабрь ойида факуллода ҳолат жорий этишга мажбур бўлди. Озиқ-овқат тақчиллиги борасида Ангола, Мозамбик ва Свизеленд ҳукуматлари ҳам ўз ташвишини билдирмоқда. Вазиятни таҳлил қилган Жаҳон озиқ-овқат ташкilotи минтақадаги ҳолат ўта ташвишли эканини билдирмоқда.

Сўнгги йилларда Ер юзидеги иқлим ўзгариш бормоқда. Айрим мамлакатларда гайритабиий иссиқ кузатилаётган бўлса, бошқа мамлакатларда ҳаво совиб кетмоқда. Экологлар глобал иқлим ўзгариши, музликлар эриб бориши ва дунё океанлари сатҳининг кўтарилиши борасида бонг уришмоқда. Иқлим иссиши ўз навбатида аввал кузатилмаган ҳодисаларни — сув тошқинлари, бўрон, курғоқчиликларни келтириб чиқармоқда. Африкадаги курғоқчилик ва очарчиликда, Жанубий Осиёда об-ҳаво исиб кетишида, Шимолий Америкадаги ўрмон ёнғинлари, сув тошқинлари ва бўронлар орқали буни кўриб турибмиз.

Олимларнинг айтишича, 2015 йилнинг ўн ойида сайёрамизда ҳарорат XIX аср бошларига нисбатан 1,02 даража иссиқ бўлган. Олимлар бир овоздан инсонларнинг фаолияти — нефть, газ ва кўмир ёқилиши “парник эффекти”ни келтириб чиқараётганини ва ҳаво ҳароратининг кўтарилишига сабаб бўлаётганини айтишмоқда. Экспертлар сўнгги ўттиз йилда энг кўп парник гази чиқарилганини маълум қилдилар.

Агар ҳукуматлар агроф-муҳит муҳофазаси билан жиддий шугулланмайдиган бўлса, у ҳолда 2100 йилга бориб, сайёрамизда ҳаво ҳарорати 3,7-4,8 даражагача кўтарилиши мумкин. Иқлимшунослар ҳарорат 2 даражадан ошганидан сўнг экология хавф остида қолишидан огоҳлантириб келишади. Иқлим муаммоларига эътиборни қаратиш мақсадида БМТ мунозараларга нафақат сиёсатчилар ва олимларни, балки таниқли кишиларни, жумладан, кино ва санъат юлдузларини ҳам жалб қилишга қарор қилди.

Иқлим ўзгариши ва табиий офатлар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни сайёрамизнинг турли минтақаларида кузатилаётган ноодатий ёғингарчилик, қорбўронлар, ўрмон ёнғинлари каби ҳодисаларни ўрганган америкалик олимлар исботлашди.

БМТ экспертлари иқлим ўзгаришлари экинлар ҳосилига салбий таъсир кўрсатаётганидан огоҳлантиришмоқда. Айниқса, бу каби нохушликлар Африка, Осиё ва Лотин Америкаси мамлакатларида яққол кўзга ташланмоқда. Ҳосилнинг камайиб кетиши озиқ-овқат муаммоларини келтириб чиқариши ҳеч кимга сир эмас. Вазият шундай давом этадиган бўлса, у ҳолда 2080 йилга бориб 600 миллионга яқин киши очлик билан тўқнаш келиши мумкин.

Иқлим ўзгаришидан келадиган талафотларни камайтириш учун инсоният ўз фаолиятининг барча соҳаларида, жумладан, соғлиқни сақлаш, қишлоқ ҳўжалиги ва бошқа инфратузилмаларда режалари иш олиб бориши лозим.

Иқлим ўзгаришига қарши ҳар бир давлат ўз имкониятидан келиб чиққан ҳолда кураш олиб боради. Масалан, Голландия ва Бангладеш бир хил муаммолар билан тўқнаш келмоқда. Ҳар икки мамлакатда океан сатҳининг кўтарилиши туфайли мунтазам бўрон ва тўфонлар бўлиб турибди. Голландия тўғон қуриш орқали хавфга қарши курашади. Бангладеш эса маблаг йўқлиги сабаб бу ишни қила олмайди. Мазкур мамлакатнинг хавфли ҳудудларида 100 миллионга яқин киши истиқомат қилади.

Олимларнинг фикрича, ҳаво даражасини 2°C ушлаб туриш учун 2050 йилга қадар мамлакатлар парник газларини чи-

## ► Солиқ почтасидан

Бугунги кунда жисмоний шахслар томонидан 2015 йил давомида асосий бўлмаган иш жойидан ва бошқа манбалардан олган даромадларини декларациялаш жараёни давом этмоқда.

Жисмоний шахсларнинг жами йиллик даромадларини декларациялаш тизими фуқоролардан йил давомида олинган даромадга солиқни тўри қисбланиши, амалдаги қонунчиликка мувофиқлигини ҳамда даромад солиғидан бериладиган имтиёзлар тўғри қўланишини таъминлашдан иборат. Агарда, даромад солиғидан имтиёзга эга бўлган фуқоролар йил давомида асосий иш жойи бўлмаган манбалардан даромад олган бўлса, уларга имтиёзлар декларацияни тақдим этиш вақтида

солиқ органлари томонидан қўланилади. Солиқ тўловчилар учун Давлат солиқ қўмитасининг расмий “www.soliq.uz” сайти орқали кўрсатилаётган “Электрон солиқ декларациялари” интерактив хизмат орқали жисмоний шахслар электрон ҳўжат қўринишидаги солиқ декларацияларини автоматлаштирилган ҳолда шакллантиришлари ҳамда электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳолда интернет тармоғи орқали туман давлат солиқ инспекцияларига жўнатиш имконияти мавжуд.



Бу эса, декларация тақдим этаётган фуқороларнинг ортиқча қоғозбозликдан ва маълумотларни тўплаш ишларидан озод этиб, уларнинг қимматли вақтларини тежайди. Бир сўз билан айтганда, декларациянинг электрон тарзда амалга оширилиши солиқ тўловчига ва солиқ идоралари ходимларига ҳам катта қулайликлар беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 22 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2016 йилги асосий макрокўрсаткичлари кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджет параметрлари тўғрисида” қарори ҳамда 2015 йил 31 декабрдаги “Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2016 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонунда жисмоний шахсларни солиққа тортиш бўйича ҳам муҳим ўзгаришлар белгиланган. Жумладан, жорий йилнинг 1 январдан жисмоний

шахслардан олинган даромад солиғи ставкаларида солиқ солинадиган даромаднинг иккинчи шкаласи 2015 йилда 8,5 фоиздан 1 фоизга пунктга камайтирилиб, 7,5 фоиз қилиб белгиланди. Қолган ставкалар эса 2015 йил даражасида сақлаб қолинган. Шунга кўра, 1 январдан жисмоний шахслардан олинган даромад солиғи бўйича ўсиб борувчи тартибда солиқ солинадиган даромад энг кам иш ҳақининг бир бараваригача бўлса “0” фоиз, энг кам иш ҳақининг бир бараваридан (+1 сўм) беш бараваригача миқдорига — 7,5 фоиз, беш бараваридан (+1 сўм) ўн бараваригача миқдорига — 17 фоиз ва ўн бараваридан

(+1 сўм) ва ундан юқори миқдорига — 23 фоиз ставка қўлланилади. Солиқ солинадиган даромадлар гуруҳлари бўйича солиқ солиш шкаласи йил бошига — 2016 йил 1 январда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан (130 240 сўм) келиб чиқиб аниқланади ва йил давомида энг кам иш ҳақи миқдори ўзгарган тақдирда ҳам қайта кўриб чиқилмайди. Чилонзор туман давлат солиқ инспекцияси томонидан солиқ декларацияларини тўғри тўлдириб бўйича семинар машғулоти ташкил этилиб, фуқороларга малакали ходимлар томонидан маслаҳатлар бериб боришмоқда. Шунингдек, тумандаги маҳаллалар

ҳудудда жойлашган участка солиқ таянч пунктлари зарур ҳуқуқий-мезърий ҳужжатлар билан жиҳозланган. Фуқороларимиз ушбу солиқ таянч пунктларида солиқ декларацияларини топириш тартиб-қоидалари ҳамда ўзларини қизиқтирган солиққа оид бошқа ҳужжатлар билан танишишлари мумкин.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, амалдаги қонунчиликка кўра солиқ декларациясини белгиланган муддатдан кечиктириб тақдим этган шахсларга нисбатан маъмурий чоралар қўрилади. Қўшимча ҳисобланган солиқни ўз вақтида тўламаган шахсларга нисбатан эса молиявий жарималар қўллаш кўзда тутилган.

Муҳиддин ЗАЙНИДИНОВ,  
Тошкент шаҳар Чилонзор туман ДСИ бошлиғи

# ДАРОМАДЛАРИНГИЗНИ ДЕКЛАРАЦИЯЛАШНИ УНУТМАДИНГИЗМИ?

# БИРИНЧИ ФАЗОТИР

## АЖДОДИМИЗ БЎЛГАН ЭМАСМИКАН?

### ► Биз билган ва билмаган тарих

1961 йил 12 апрель куни институт биринчилиги учун футбол ўйнаётган эдик. Катталардан бири келиб, тезликда ўйинни тўхта-тиб, йиғилишга боришимизни айтди. Сабабини сўрасак: — Москвадан хабар қилишди. Одам космик фазога кўтарилибди. — деди.

Биз дарҳол Марсга ёки бўлмаса, Ой томон одам парвоз қилганини кўз олдимизга келтирдик. Уша вақтда газеталар галмагал «Марсда ҳаёт борми?», «Ойга саяҳат», каби шов-шувли материалларни кўп чоп этишарди.

**Х**уллас, шу кун «Совет Ўзбекистони» (ҳозирги «Ўзбекистон овози») газетаси таҳририяти шоир Гофур Фуломга мурожаат қилиб, инсон космосга парвоз қилганига бағишлаб шеър ёзиб беришни илтимос қилган. Гофур ака, жуда ҳозиржавоб шоир эди: дарҳол яхшигина шеър ёзиб таҳририятга олиб келган. Шеър таҳририят ходимларига маъқул келган ва дарҳол саҳифалашга туширилган. Гофур ака, одатгилек, шу заҳоти қалам ҳақини олиб (муамалга пул бериларди у кишига), дўстлари билан далага жўнаб кетган.

Корректурани ўқиш вақтида бир сатр ходимларда шубҳа уйғотган. Тахминан, сатрда: «Гагарин ал-Жавҳарий жасоратини тақдорлар, унинг изидан осмону фалакка парвоз этди» дейилган.

Авалло, «биринчи космонавт» деб Гагарин кўкка кўтариляпти. Ал-Жавҳарий

ким бўлди экан? Нега унинг изидан парвоз этди? дейилмоқда, каби ҳушёрона саволлар пайдо бўлади. Ҳеч ким бу саволга жавоб топа олмайди. Гофур аканинг уйига кўнғироқ қилишса, албатта, у киши уйда йўқ. Таҳририят ходими ўйлаб-ўйлаб, Абдулла Қаҳҳорга кўнғироқ қилган. Чунки, йирик адиблар ичида теран илрок соҳиби Абдулла ака эди.

— Хайрият, хайрият, — дебди Абдулла ака, — адолат бор экан. Учинчи асрларда, ал-Беруний, ал-Хоразмий, ибн Сино каби буюк алломалар замондоши ал-Жавҳарий деган олим биринчи марта юқорига кўтарила олган. Бир неча метр кўтарилган бўлиши мумкин. Фазога чиқмаган, аммо, физика қонунига кўра, Ернинг тортиш кучини енгиб, парвоз қилган экан. Ҳақиқий фазогир ал-Жавҳарий дейиш мумкин. Фан-техника ривожланган, ўн асрдан сўнг, энди одам фазога чиқибди. Демак, у ал-Жавҳарий ким бўлди экан? Нега унинг изидан парвоз этди? дейилмоқда, каби ҳушёрона саволлар пайдо бўлади. Ҳеч ким бу саволга жавоб топа олмайди. Гофур аканинг уйига кўнғироқ қилишса, албатта, у киши уйда йўқ. Таҳририят ходими ўйлаб-ўйлаб, Абдулла Қаҳҳорга кўнғироқ қилган. Чунки, йирик адиблар ичида теран илрок соҳиби Абдулла ака эди.

— Хайрият, хайрият, — дебди Абдулла ака, — адолат бор экан. Учинчи асрларда, ал-Беруний, ал-Хоразмий, ибн Сино каби буюк алломалар замондоши ал-Жавҳарий деган олим биринчи марта юқорига кўтарила олган. Бир неча метр кўтарилган бўлиши мумкин. Фазога чиқмаган, аммо, физика қонунига кўра, Ернинг тортиш кучини енгиб, парвоз қилган экан. Ҳақиқий фазогир ал-Жавҳарий дейиш мумкин. Фан-техника ривожланган, ўн асрдан сўнг, энди одам фазога чиқибди. Демак, у ал-Жавҳарий

арийнинг издоши ҳисобланади. Изоҳ жуда мукамал бўлган. Бироқ, таҳририят бу сатрни олиб ташлаб 13 апрель куни шеърни босиб чиқарган.

Шеър аслини излаб, Гофур Фулом уй музейида бўлдим. Шоир шеърни одатда бир нухсала ёзиб, топширган бўлса керак, қўлёзма топилмади. Сайланма асарларга кирган бу шеър газетадан кўчирилган экан.

У вақтда байроқ Гагаринда, Титовда, Терешкова, Леонов, Волинов кеинчалик Америка космонавтилари ва астронавтиларида эди. Учинчи асрдаги Мамун академияси таҳририятининг ҳеч ким назарга ҳам олмасди. Гофур Фулом ва Абдулла Қаҳҳорлар жасорат кўрсатиб, уни бизга етказмоқчи бўлишди-ю, натижа чиқмаган.

Эҳтимол, шундайдир. Бугун эса улуг аждоғларимизнинг номлари юзага чиқди. Буюк кашфиётлар, алгебра, логарифм, юлдузлар жадвали, тиббиёт қонунларини шу аждоғларимиз яратганини яқиндан бери дунё тан олаётгани-ку. Ал-Беруний Колумбдан 400 йил аввал Америка қитъаси ҳақида маълумот берган — аммо байроқ Колумбда, Магелланда Америкода кетди.

Миср ўн аср давомида ал-Фароний кашф этган Нил дарёси режими бўйича яшаб келди. Ибн Сино исмидан «медицина», ал-Хоразмий исмидан «алгоритм», ал-Жабр сўзидан «алгебра» фани бунёда келган-ку.

Ҳа, ал-Жавҳарий сунъий қанот ясаби, парашют ёки катапульты биланми ёки гандола — аэропорт ёрдамида, махсус винт ясагани, ишқилиб, ер тортиш кучини енган биринчи инсон, ўз даврининг фазогир — космонавти бўлган дейишимизга асос бор. Фақат уни топиш керак.

Эндиги сўз — шарқшунос, тарихчи ва манбаънос олимларга.

Ўтмишимизни синчиклаб ўргансақ, ундан ҳам бошқа ажойиботларга дуч келишимиз мумкин.



Анвар ТОЖИЕВ

### ► Ўзликка назар

— Замон асло ўзгаргани йўқ, аксинча, одамлар ўзгарди, — деган гапни кўп такрорлайди Раҳим бобо. — Ҳали-хануз бошимиз узра қуёш нуруни сочиб, ёмғир ва қор ёғишдан тўхтаганича йўқ, тўхта-масин ҳам. Сени қара, болам, бебиннат берилган ёрдамни пул билан ўлчаясан-а! Наҳотки, дунёда сотилмайдиган нарса қолмаган бўлса?! Ўғлим, ўзингни қарздор деб билсанг, бошига мушкулот тушган бир қорасизнинг ҳолатини чиқар.

**Я**ширининг ҳолати йўқ, бобонинг гапларидан уялиб бошим эгилди. Тўғриси, яқин кунларда у кишининг менга берган ёрдамига ўхшаш ишни бирорта одамга қилганимни эслай олмайман. Балки бу йил хали қилмагандирман, яна билмадим. Ҳар не бўлганда ҳам бу жуда яхши иш бўлди. Ишим битгани учун эмас, кўзгудан ўзимни кўра олганимдан яхши дегман. Кўнглимга биринчи келган нарса, папари-бузрукворимнинг дуосини олишга шошилдим.

Бозорга кирдим-да, сара неъматларни олиб, укамниқига, катта уйга отландим. Ўзим юрган ўша кўча, болаликни эслатовчи улкан ёнғоқ. Кичкиналгимизда болалар билан доим шу ёнғоқнинг устига чиқиб ўтирдик, шохларига арқондан арғимчоқ боғлаб учардик. Бугун бўлса, болакайлар бизга ўхшаб унинг устига тахтада ўтиргандай ўтира олмайди. Сабаби, бу улкан даракт ҳам цемент кўра тутқунига айланди. Кўча аввал келганимдан ҳам ўзгарибди, иморат солиш учун анчагина хонадонда пойдеворлар кўтарилган. Бу яхши, аммо одамлар ана шу пойдеворларни бирдан-бири қоламани, дегандек тобора кўчага чиқариб юбораяпти-да! Кўчанинг торайиб бораётгани эса уларни қизиқтирмайди. Болалигимизда уйлар атрофи сим билан ўралган эди, отамнинг айтишича, олдинлари уларнинг ўрнида шох-шабба бўлган. Бугун бўлса, яъни кейинги авлодларнинг даврига келиб, уйлар атрофи замонавий, мухтакам цемент фиштли деворлар билан ўралмоқда.

Биз хали етиб бормасимиздан укамнинг аёли — келинимиз бизни кутиб олишга шай. Менимча, кўчада ўйнаётган қизими ёки ўғли уларга бизнинг келаётганимизни етказган бўлса керак. Эшикдан киришимиз билан районнинг ёқимли исми димоққа урилди, худди кепколлингми дегандай. Уйдаги барча нарса менга қадрли. Айниқса, ҳовлидаги кўҳна тут дарахти мени борича ўша болалигимга қайтаргандай бўлади. Доим унинг узун новдаларини кесиб олиб от қилиб минардик. Ҳовли ўртасидаги сўрида ота-онам неваралари қуршовида бахтиёр. Мен ҳам ўзимни уларнинг бағрига отдим. Дунёда ота-она меҳридан ортқ меҳр йўқ. Бугун отам ҳам, онам ҳам ёнимда.

# ОДИСЛАМА, ОҚИВАТ

Кўп ўтмай укам ҳам келди. Гурунгурун билан ота-онамизнинг бағрини тўлариб ўтирибмиз. Катталарнинг сўзи билан ака-ука яйловдаги молларни кўриб келишга отландик. Иккимиз ҳам велосипедга йўлга тушидик. Укам йўлнинг икки четига экилган экинларни ким, қачон экканини бирма-бир айтиб борапти. Ниҳоят, асфальт йўл тугаб, серсуқмоқ тош йўл ҳам бошланди. Бу ёғи энди боғлар. Иккимиз ҳам чарчаб, сояси кенг ўрик тағида бир дам нафас ростлашга тўхтадик. Ўрик шундай пишганки, асти қўяверасиз. Тағида меваси ерга тўшалди ётибди. Бўйимиз етадиган жойдаги ўриклардан тегиб еб, бироз чарчоқ босгач, яна йўлга тушидик. Аччагина жойни босиб ўтгандан сўнг аста-аста кўтарилганча тоғларга туташиб кетган қишлоққа етиб бордик. Икки сойнинг ўртасида жойлашган ферма атрофида биронта ҳам дарахт йўқ. Бузоқлар кунга тобланиб ётибди. Қир бағрида моллар кўриниб қолди, биз ўша тарафга жўнадик. Моллар юраверганидан қир бағрида ажойиб чий-йўллар ҳосил бўлган. Юқорида чиққанга сари пастдан бизга кўринган нарсалар ойдинлаша бошлади. Улкан бир сойнинг ичи буруқсиз ёнапти. Чикаётган тутундан ҳайратланда киши. Тутун текисликда маҳалла томон само бўйлаб сузиб бормоқда.

Бизга рўбарў келган подачи ва унинг ўғли ёнимизга келиб, салом-алиқдан сўнг молларимизни кўрсата бошлади. Бошидаги оппоқ қалпоғидан чиқиб турган сочлари тер босган юзларига ёпишиб қолган Ербол подачининг ўғли тинмай гапириб, эътиборимизни ўзига тортишга интиларди.

— Сизга тулкининг уясини кўрсатайми? — деди у.



Йўқ-ку, бари тўкилиб кетган.

— Нега тўкилган?

— Даданинг айтишича, анаву тутаетган тепалик бор-ку, у ерга кўп чиқинди тўкилгани сабабли тулки захарланиб, шу ҳолга келган экан.

— Бу сой ҳар кун шундай тутаётганми?

— Билмасам, мени бу ерга унча кўп опкемайди...

— Э-воҳ, гап буюкда экан-да! Агар шу мурғак вужуд айтмаганда мен ҳам кўп қатори: “Ёнаётган нима ўзи?” демасдан безътибор кетаяверар эдим. Эҳ одамлар, одамлар! Чикиндиларни аввалга оёқ остидан, турли тарафлардан йиғиб олишса-ю, ортидан мана бундай ҳавога бамайлихотир тарқалган йўл қўйиб беришса?! Бунинг оқибати нима бўлади? Инсониятни, нафақат инсонни, балки, жамики жонзотни тубсиз фожиага гирифтор қилмайдими бу? Укам иккимиз уйга етгунча шуларни муҳокама қилиб, тайинли жавоб топа олмай қийналдик. Укамнинг айтишича, баҳорда дарахт новдаларида очилган гулларнинг мева бўлиб етилмасдан тўкилишига ҳам, тоқ шуларнинг гулжум бўлмай оқиб кетишига ҳам шуларнинг касри тегар экан.

Ёнида Раҳман лақабли катта кучути билан йўлнинг бошида бизни ўғилларимиз кутиб туришган экан, узокдан бизни танишиб, чопиб йўлга тушишди. Укамнинг ўғлининг юзлари дўмбоқ, кўзлари доим кулиб туради. Пучуққидан бурни ҳам ўзига жуда ярашадди. Болакайларни велосипедга ўтказдик-да, ҳайлашни билмаган

ликлари учун етаклаб олдик. Кичкинтойлар: “Мен сендан ўзиб кетаяпман”, дея ўзларини-ўзлари қувонтириш билан овора. Мен бўлсам, уларга диққат билан назар ташлайман. Хайрият, сопса-соғ улар. Бу фикр мени ҳализа-монгина ўйлантира бошлаган эди. Чунки олдинлари менга ҳеч ким подачининг ўғлидай кўз ўнгимизда уя қураётган муаммоларни солда тил билан очик ва аччиқ айтмаган эди-да!

Борлиққа оқшом чўкди. Йўл юриб, анча толиқдим чоғи, кўзим илиниб кетаяпти. Бироқ, эрталаб ишга боришим керак, шаҳарга қайтмасам бўлмайди. Укамнинг аёли — келиним тайёрлаган шохона кечки овқатдан сўнг уйдагилар билан самимий хайрлашиб, яна кўча бошига — катта йўлга чиқдим. Том ва устунлари кўкка бўйлан қалдрон бекаст томон ҳали йўлни кесиб ўтганим ҳам йўқ эди. Олдимга сув этиб, бир енгил машина келиб тўхтади. Ўтирдим. Машина ўрнидан енгил кўзга, текис ва раво йўлда худди мажбурган сокин денгизда сузаётган кемадай чайқалиб борарди. Кўзни яна уйку элтиб, киприклар туташиб кетибди...

Атрофда тумонат одам, ҳар хил миллат вакиллари. Оқ-қора, сариқ, малла тусли. Хуллас, дунёнинг барча жойидаги одамлар боғина мен кўрган — тутун тинмайдиған сойга йиғилгандай. Уша қишлоқда яшовчи одамлар бошқалардан ажралиб турарди. Бирининг сойи, бирининг қоши тўкилиб кетган бўлса, бошқасининг қўл-оёқлари яккам-дуккам. Бармоқларимам камми-ей. Хуллас, нуқсонсизнинг ўзи йўқ. Осмон бир ёришса, бир тунлашиб ёмғир ёғапти. Бошимиз узра тоҳ қуёш, гоҳ ой, ҳатто юлдузлар ҳам кўриниб қоляпти. Ҳамма ҳайрон. Бирдан борлиқ қаттиқ силкиниб, ер тарс-тарс ёрилганча чўка бошладик. Қаёқларидан аллаким баланд овозда бақирапти. Қизиги уни ҳамма эшитаяпти... тушунапти... Бу жуда галати, шу билан бирга ҳайратли. Бироқ ҳайратланишга вақт йўқ. Халиги кимсаннинг овози тобора баландламоқда: “Ичкилаётганларга ёрдам беринг, бир-бирингизни асло қўйиб юборманг. Ҳеч қаёққа қочиб кетиб бўлмайди. Бизни фақат ҳам-жиҳатликни бу фалокатдан қутқариши мумкин. Бирдамликни бой берманг, акс ҳолда...” Кутилмаганда ҳайдовчи тормонни босди, шекилли, машина бирдан секинлашти. Уйғониб кетибман...

Бир амаллаб уйга етиб бордим, қани энди уйку келса. Кўрган тушимни эслаб қўрқиб кетаман. Қуллоқларимга яна ўша — тушимдаги кимсаннинг жон ҳолатидаги ҳайқирғи эшитила бошлади: “Ернинг табиат инзи билан аста чўкиб, одамларнинг осмондан олислаётгани ҳеч вақо эмас. Одамлардан одамийлик, инсоф, диёнат, оқибат сингари олий ҳислатларнинг олислаётгани чатоқ. Билсангиз, бу — улкан фожиа... Огоҳ бўлинг, эй одамлар!...”

Юнусбек АБДИЕВ



Фарба устозу муаллимларга ҳамма қатори шунчаки тирикчилик гамида юрган бир кимса каби қаралса, шарқликлар айниқса, ўзбек халқи бу мўътабар инсонларни “отангдай улуг” дея шарафлайди. Зотан, маърифат фидойилари орасида шундай ҳоқисорлари ҳам борки, уларни азим дарахтларнинг ҳаёт риштасини озиклантириб турган ўқилдизга қиёслаш мумкин. Бундай олижаноб устозлар қайси замонда яшамасин, таълим жараёнларида виждон амрига қўлоқ тутадилар. Қирқ йилдирик, муаллимлик қилиб келаётган шерободлик Бўри Раҳимов ҳеч шубҳасиз, ана шу олижаноб тоифага мансуб. Бу инсон ҳаётда неки ютуқларга эришган бўлса, эзгу мақсадлар йўлида изланиб, заҳмат чекиб эришган...

**Д**омлани илк бор 1978 йилда ўзим таъсил олган 17-ўрта мактабда кўрганман. Ушанда учинчи синфда ўқирдим. У бизга рус тилидан сабоқ бериш учун туман марказидан велосипедга қатнаб ишларди. Кичик ҳужсали, тийраннигоҳ бу инсон аксарият жамоадошларидан фарқли равишда зерикарли иш услубидан воз кечган ҳолда ҳар бир дарсни “жонли” тарзда ўтишга ҳаракат қиларди. Дейлик, бугунги дарс, қай бир рус шоирининг назмий масали бўладими, ё эртақ-ҳикоясими, ундаги қаҳрамонларнинг образларини биз, шогирдларига тақсимлаб бериб синфимизда саҳна ташкил этар, биримиз ҳайвонлар шоҳи арслон, қай биримиз ёвуз бўри, тагин биттамыз фирибгару муғом-бир тулки қиёфасига кириб роль ижро этар-

ниворларни асраб қолиш, ўз ўқувчиларини она табиатга меҳрибон бўлишга ундар, баъзи-баъзида ана шундай бетакрор табиат вақилларини синфимизга олиб келиб дарсни янада жонлантирарди. Устоз кейинчалик туман халқ таълими бўлимига услубчи вазифасига ўтгач ҳам борди-келдимиз узилмади.

Тез орада муаллимимизнинг тўрт соҳибхона ҳовлисида шахсий ҳайвонот боғчаси борлигини билдик. Домла парваришдаги ҳар бир қўшнинг қафасига қандай овқатни кунига қай миқдорда ва неча маҳалдан истеъмол қилишигача еслатма тарзида ёзиб олиб қўйибди. Энг қизиги, бу хайрли ишнинг машаққатини домла бир кун, бир ой ё бир йил эмас, умр бўйи тортиб келди.

— Ёввойи табиат билан ҳамнафас яшаган одам асло қаримайди, деган гаплар ҳам нисбий экан, — дейди домла бир суҳбатимизда. — Баъзан қўлим калталиқ қилиб етарлича озуқа билан таъминлай олмаганимданми, ажали етибми, айрим қўшларим нобуд бўлди. Шулар сабаб ва яна табиатга шафқатсиз муносабатда бўладиганлару бунга бепарқар билан айтишавериб, юрак хасталигини ортириб олдим. Жониворларимнинг бахтига бундан ўн йиллар аввал вилотат марказидан туманимизга ҳарбий қисм қўчириб келинди. Қисм қўмондон ҳарбий қисм ҳовлисида жонли табиат бурчаги ташкил этиш ниятида мени ҳамкорликка чақирди. Бажонидил рози бўлдим. Албатта, кутимдан бундай хайрли ҳамкорликдан қўшларимнинг



1. йўқолиб бораётган ноёб қўшлар ва жониворларнинг бахтига бундан ўн йиллар аввал вилотат марказидан туманимизга ҳарбий қисм қўчириб келинди. Қисм қўмондон ҳарбий қисм ҳовлисида жонли табиат бурчаги ташкил этиш ниятида мени ҳамкорликка чақирди. Бажонидил рози бўлдим. Албатта, кутимдан бундай хайрли ҳамкорликдан қўшларимнинг

2. йўқолиб бораётган ноёб қўшлар ва жониворларнинг бахтига бундан ўн йиллар аввал вилотат марказидан туманимизга ҳарбий қисм қўчириб келинди. Қисм қўмондон ҳарбий қисм ҳовлисида жонли табиат бурчаги ташкил этиш ниятида мени ҳамкорликка чақирди. Бажонидил рози бўлдим. Албатта, кутимдан бундай хайрли ҳамкорликдан қўшларимнинг

ҳам димоёлари чоғ бўлгани шубҳасиз. Янги манзилда уларнинг чуғур-чуғур қўшиқлари тағинам авж пардага чиқди. Аскар ўғилларимизнинг шодлигига шодлик қўшилганини айтмайсизми? Хуллас, ҳарбий қисм яна илгариги манзилига қўчиб кетгунга қадар қўшларимни парваришлаш, соғ-омон асраб, қўйатиришда Ватан ҳимоячилари менга катта маддад бериб туришди. Қисқа муддатли “ҳарбий хизмат”дан вақти чоғ бўлиб қайтган қўшларим орасида эркатой “Гоша”миз ҳам бор эди. (“Гоша” — бу гапирувчи қарга. Бу ҳақда кейинроқ батафсил тўхталамиз. Б.О.) Табиатга меҳр қўйишни одам боласи шурунга мураккаблиганоқ сингдириб бориш лозим. Саводсизлик, жонли табиатга нисбатан жоҳиллик, лоқайлик муҳитидан нафас олиб ўсаётган бола катта бўлганида кушандасига айланади. Гоҳи тўй-маъракаларда браконьер овлар билан ҳам даврадош бўлиб қоламиз. Улар тустовуқ, турна, ўрдагу ғоз каби ёввойи паррандаларни қандай отганлари ҳақида оғиз кўпиртириб мақтансалар, гаплари қалбимга игнадай санчялади. Ушандайларга “қўшларнинг ҳам қалби бор, улар ҳам мазлум инсонлар каби қарғашди” деб кўринг-чи, Сизни ёш болага чиқариб, устингиздан куладми...

Устоз билан қайси мавзуда суҳбатлашсангиз кўнглингиз ҳайси. Негаки, гуруннинг хамиртуришига илм-маърифат шираси омухта бўлади. Сизу биз бир-биримизни таниб-танимай яшаётган сайёра гарчанд “омонат дунё” деб аталса-да, бу муаллақ замин бағрикенг, раҳмдил инсонлар борлиги учун ҳам неча минг, неча миллион йилларки, ўз ўқиди собит туради. Бўри Раҳимов фитратан раҳмдил, ҳалим киши.

Бундан йигирма йил муқаддам — 1997 йилнинг 15 майида Бўри ақанинг парваришидаги юзлаб ёввойи паррандаларни сағина бир қўш келиб қўшилди. Яқин танишларидан бири Ҳамид исми уста дурдаторнинг 11 яшар ўғли Самарилдин Кўхитанг тоғлари бағрида жойлашган Гуржак қишлоғидан бир қаноти синган қарга полапонини топиб олади. “Бечора полапонни бу мушкул аҳволдан қандай олиб чиқса бўлади? Бехосдан ўндай қолса, боққининг уволига қолмайми? Зар қадрини заргар билар-

# “ГОШАМИЗ”

ди. Яхшиси, кеч бўлмасдан, уни бир меҳрибон одамнинг қўлига топшириш лозим...” Ҳамид ака ана шу ўйлар қуршовида полапонни Бўри домлага келтириб беради. Ҳа, уста алашмади. Қарга полапонни ўша лаҳзаданок чинакам меҳрибонининг қўлига тушган эди. Ногирон қарга боласига оиланинг барча аъзолари меҳр қўйишди. Ўша паллардан эндигина беш баҳорни қаршилаган Шодибек қувончидан терисига сигмай, отасига қайта-қайта раҳмат айтганча, янги овуночонини ҳовли ўртасидаги қари тут соясида боқа бошлади. Домланинг рафиқаси Собира опа синган қанотини малҳамлаб, тахтакачлаб боғлади. Раҳимовлар оиласи жазирама ёзда ҳовлини салқинсевар қўшнинг дидига мослаш учун барча имконини ишга солди. Полапонга атаб асалган ин дарвозахона томондан эсадиган салқин шабада йўналишига ўнғай олма дарахти шохига жойлаштирилди. Қарғачага “Гоша” деб лақаб қўйишди. Энди бу хонадонда ўзини бегона, мусофир санамайди, балки шу манзил-маконнинг соҳибларидан бирдек чоғлай бошлаган қўш ўзига қўйилган лақабга шу даражада мойил бўлдики, уй эгалари “Го-ша!” деб чақириса, ўша томонга бош буриб қарайдиган бўлди. Тақдир ишини кўрингки, кунларнинг бири-да Раҳимовларнинг Гошаси она тилимизда айрим сўзларни айтадиган бўлди. Унинг инсон тилида гапирганини илк бор домланинг завжалари Собира опа эшитди-ю, аммо бунга “кўчадан ўтаётган, томоғи шамоллаган бирор бекорчи пиянистанинг овози”га йўйиб қўйди. Оралдан бир неча кун ўтиб бу овознинг гапиринсоний қаҳриқ эканини билгач, хонадон бекаси “жин-ажинанинг сасимиқан?” деган ваҳимали гумонга ҳам борди. Бироқ, индинига томоғи шамоллаган маст одамниқига ўхшаш бу галати овоз айнан салқинлатиш учун устига мато ёпиб қўйилган “Гоша”нинг қафасидан чиқаётгани маълум бўлди. Кўп ўтмай, бу сино-


атдан маҳалла-қўй, бохабар бўлди. Дастлаб “раҳмат”, “яхши боринг” каби тўрт-бешта сўзни тўтиқуш каби такрорлай бошлаган “Гоша”нинг оғзаки лугати янгидан-янги сўзлар ҳисобига бойиб бораверди. Юқорида айтганимиздек, “Гоша” “қисқа муддатли ҳарбий хизматга” бўлган чоғида “сафлан!”, “сафга тур!”, “рослан!” “эркин!” каби қўмондон буйруқларини одам ўзлаштириб олган экан. Ҳатто бир маҳалона аскар бола “нос бер!” деган сўзни ҳам ўргатибди. Эндилкида, олам мўъжизалари одам тилида гапирадиган тўтиқушмас, қарга полапонни ҳисобига биттага бойгани, у ҳам бўлса Африка ё Ҳиндистон томонларда эмас, она юртимизнинг жанубий бир масканда мавжуд эканини билган ишқибозлар кунда-кунора бу хонадонга оқиб кела бошлади. 2003 йилдан ҳозирга қадар табиатнинг бетакрор мўъжизаси бўлган Гошани “зиёрат қилиш” мақсадида яқину олис юртлардан етмиш мингга яқин мухлис келиб-кетди. Олган таассуротлари ҳақида дастхат ёзганлар орасида мамлакатимиз ҳақида хорижнинг ўнлаб машҳур шахслари ҳам бор. Домла учун қарамондаги юздан зиёд қўшни озиқлантириш катта бир ташвиш бўлса, битта гапирувчи қаргани парваришнинг ўзи алоҳида бир заҳматдир. Гошанинг бир варақ қозонни банд қилиб турган таомномасидан юз грамм хом гўшт, бир литр ичимлик ва тўрт литр чўмилиш учун сув, ёнғоқ, пишган тукум, картошка, сабзи, қарам, уй нони, қунгабоқар, ернеғоқ доллари, чигиртка ва нинчаки каби ҳашаротларгача ўрин олган. Бундай салкам шохона таомлар рўйхатини кўриб, кўнглимизнинг бир четидан “Гошанинг “дастурхони”га шу таомларнинг ҳар кун қўйилаётгани рости ё домла уни шунчаки ҳўжақўрнинг ёзиб қўйганмикан?” деган гумон ҳам ўрди.

— Агар мана шу таомнома “ҳўжақўр-син” учун тузилса-ю, унга амал қилган маса, “Гоша” аждоғлари ва қариндош-

# ЭЗГУ ОРЗУ

## Мутолаа

Яхши китоб ўқийганимда ўзимга маъқул келган ва келмаган жойларининг тагига чизиб, хошиясига ҳар хил белгилар қўймасам кўнглим кўлчимайди. Бу журналистнинг “касб касали” билан боғлиқ бўлса керак. Теша тегмаган гап, нозик ўхшатиш, дилни чарақлатиб юборадиган мағзи тўқ фикр, фалсафа, янги факт ва рақамлар... Газета-чи дўпписи тор келганда суянадиган тап-тайёр иқтибос, “хомашё”, зевар шу-да! Таниқли ёзувчи Эркин Аъзамнинг асосан, истиқлол йиллари матбуотда чоп этилган тарҳи тоза публицистик асарлари жамланган “Эрталабки хаёллар” китобини мутолаа қилишим жараёнида ҳам шундай бўлди.



Эркин АЪЗАМ

ган фикралардан иборат “Шап-шап дегунча” фасли алоҳида эътиборга молик. Гарчи “фикра” деб зикр этилган бўлса-да, тўпلامдан жой олган қирқ тўрт лавҳанинг ҳар қайсиси тугал бир шингил ҳикоя. Эркин Аъзамга хос “сўзга зикралик” билан битилган қисқалдунда, баъзан латиф юмор, баъзан беозор киноя, баъзан жиндак “қалампир сепилган” фикрлар кишини ром қилиб қўяди. Улардан бири — “Тўймас” бобола-римиз “орيات саройи” деб атаган дунё каби кўнра мавзу — нафса бағишланган. Атрофингизга тузукроқ разм солсангиз, ўзи тўйса ҳам, кўзи тўймайдиган дарди бедаволар кам эмаслигини кўрасиз: “Битта ҳовлим иккига бўлсин дейди, иккига машинаси тўртта бўлишини хоҳлайди”. Гўё минг йил, йўқ, мангу яшамоқчи! Гўё “муқаррар ажал билан шартнома тўзган”. Нафс аталмиш гирди бало чарҳида тинимсиз айланиб, одамга ўхшаб бемалол, баҳзур яшамайди, яшай олмайдди. Ҳоловатини, имонини дунё матоҳига алмаштириб юборган ҳарис банди бир кунни туйқусдан оёғини узатади-қўяди. Неранжу машаққатлар билан йиққан тергани бари исқот, сабил, садқа сар! Ҳар аъломнинг меъриёи мезони — адлу инсоф. Инсоф, ҳаду ҳудуд, тамкинлик бой берилган жойдан барака кетиши, фожиа ва қўрғилиқлар қўлайиши тайин. Бировлар борки, қилмишини даврнинг гарданига осонгина юклаб юборишга уринади: замоннинг заъли-да, ака! “Наҳотки, бандаси ёруғ оламга фақат мол-дунё йиғиш, емоқ, тўймоқ илинжидагина келса?!” Унда инсонга берилган бидмоқ, англамоқ, ўрганмоқ саодати нима бўлади? Тўпلامдаги юксак дид билан тартиб берилган ва мароқ билан ўқиладиган барча асарлар каби фикралар ҳам китобхонни ана шундай мангу саволларга жавоб излашга, ўйлашга, оламга кўнгли кўзи ва ақл назари билан қарашга ундайдди.

Сирасини айтганда, инсонни муҳтарам ва муҳташам кўрмоқ орузи, дённат, филойлик, меҳр-шафқат — ўзини камтарлик билан “нурга интилувчи қаламкаш деб билладиган” адиб асарларининг доимий ва бош мавзуси. Бундан 26 йил бурун — 1990 йилда, бир журналист ёзувчига савол берган экан: “Фараз қилайликки, ўзга сайёрага парвоз этдингиз. Манзилда сизга ажойиб зотлар пeshов чиқиб, “Эй азиз меҳмон, кўнглингиз тусганини сўранг, дарҳол бажо этамиз” дейишса, улардан нимани тилардингиз?” Эркин Аъзамнинг жавобини қаранг: “Шундай оламшумул мўъжиза, бахт менга насиб этса-ю, ўзимнинг майда-чуйда истакларимни айтсам уят бўларди, албатта. Масалан, ўн йилдан буён бир бедаво дард мени қийнайди — қулоғим тинимсиз шангилаб туради, шуни тузатиб беринг, ўзга сайёралик дўстим, деб илтимос қилишим кулгили эмасми! Чунки Ер шарида менга ўхшаган тўрт миллиард одам борки, ҳаммаси ҳам ўзига яраша бирор дардин орқалаб юради. Ёки, менга битта “Мерселес” совага қилсанглар-чи, десам ниҳоятда уятли иш бўларди. Нега бу қадар пастсанлар, эй ерликлар, деб ўлдириб қўйишлар тайин”. Шунинг учун танги адиб уларнинг олдига тиз чўкиб таваллолар қилмоқчи лозим топади: “Кўнглингиздан келсам, биз, аҳли заминни энди озгина қомил қилинг, бир-биримизга озгина кеҳиримли қилинг, озгина меҳр-шафқатли қилинг! Қолгани ўзимизнинг қўлимизда”. Ушбу жавоабда бани-башарни азалдан ўйлантириб келлаётган дард, йирик ижодкорнинг эзгу орзулари, самимий иштироки муҳасам.

Ҳа, “умри капалакниқидек қисқа” деб анчайин менсимай қараладиган публицистика жанрида ҳам ана шундай умуминсоний масалалардан сўз юритса, йирик “гаплар” айтса, йиллар, замонлар силсиласига бемалол дора бера оладиган асарлар битса бўлар экан. Бу энди ёзувчининг маҳоратига боғлиқ, албатта.

Мени бир китобхон, журналист сифатида қувонтиргани — “Эрталабки хаёллар” ана шундай йиғи чиқиб кетган “разведка маълумотлари”, бозори чаққон матоҳ — ялтоқланиш ва ситойишлардан буткул холи. Айни чоқда китобга жамланган мақолалар, эсселар, сафарномалар, адабий ўйлар, хотиралар, гурунгалар — барчаси замонашларимиз, бир сўз билан айтганда — Инсон ҳақида. Янада аниқроғи, уларда оламни, одамни тўқисроқ кўриш орузи ўз инъикосини топган. Жанри, мавзуси, ҳамми ва чоп этилган вақтидан қатъи назар барчасини буюк бир туйғу — Ватанга муҳаббат, юрт озолиги ва мустақиллигини мустаҳкамлашга эзгу даъват бирлаштириб турибди. Китобнинг долзарблиги ва аҳамиятини шёён оширган жижиклардан бири ҳам шу. Чунки замон — долғали. Кимнинг кимлиги синовдан, имони чиқариладиган ўтадиган пайт. Лекин биз ким бўлишимиздан қатъи назар, “шу юртсиз, шу элсиз ҳеч ким, ҳеч нарса эмаслигимиз ҳақиқат”. Адиб юртга фарзандалик меҳри билан таъкидлаганидек, “Мустақиллик — фуқаронинг кўнглини тўқ тутадиган эрк, ифтихор. Ана шу туйғунга уни Ватанга беминнат хизмат қилмоққа, зарур бўлса, Ватан йўлида жонини фидо этмоққа ундайдди”. Андиша шуки, ҳушёрлик, Ватан тақдирига дахлдорлик ва филойлик ҳар биримизнинг эзгу аъломимизга айланмоғи, “ҳар ким ўз ўрнида туриб, ўз ишини астойдил адо этмоғи даркор. Ватан ана ўшанда юксалади”. Ҳаётимиз янада тинч, хотиржам бўлади. “Тоғмоша-бинлик театрда ярашади”.

Беш бўлимдан иборат мажмуанинг ўз вақтида “Тафаккур” журналига пешлашга сифатида битилган фикралардан иборат “Шап-шап дегунча” фасли алоҳида эътиборга молик. Гарчи “фикра” деб зикр этилган бўлса-да, тўпلامдан жой олган қирқ тўрт лавҳанинг ҳар қайсиси тугал бир шингил ҳикоя. Эркин Аъзамга хос “сўзга зикралик” билан битилган қисқалдунда, баъзан латиф юмор, баъзан беозор киноя, баъзан жиндак “қалампир сепилган” фикрлар кишини ром қилиб қўяди. Улардан бири — “Тўймас” бобола-римиз “орيات саройи” деб атаган дунё каби кўнра мавзу — нафса бағишланган. Атрофингизга тузукроқ разм солсангиз, ўзи тўйса ҳам, кўзи тўймайдиган дарди бедаволар кам эмаслигини кўрасиз: “Битта ҳовлим иккига бўлсин дейди, иккига машинаси тўртта бўлишини хоҳлайди”. Гўё минг йил, йўқ, мангу яшамоқчи! Гўё “муқаррар ажал билан шартнома тўзган”. Нафс аталмиш гирди бало чарҳида тинимсиз айланиб, одамга ўхшаб бемалол, баҳзур яшамайди, яшай олмайдди. Ҳоловатини, имонини дунё матоҳига алмаштириб юборган ҳарис банди бир кунни туйқусдан оёғини узатади-қўяди. Неранжу машаққатлар билан йиққан тергани бари исқот, сабил, садқа сар! Ҳар аъломнинг меъриёи мезони — адлу инсоф. Инсоф, ҳаду ҳудуд, тамкинлик бой берилган жойдан барака кетиши, фожиа ва қўрғилиқлар қўлайиши тайин. Бировлар борки, қилмишини даврнинг гарданига осонгина юклаб юборишга уринади: замоннинг заъли-да, ака! “Наҳотки, бандаси ёруғ оламга фақат мол-дунё йиғиш, емоқ, тўймоқ илинжидагина келса?!” Унда инсонга берилган бидмоқ, англамоқ, ўрганмоқ саодати нима бўлади? Тўпلامдаги юксак дид билан тартиб берилган ва мароқ билан ўқиладиган барча асарлар каби фикралар ҳам китобхонни ана шундай мангу саволларга жавоб излашга, ўйлашга, оламга кўнгли кўзи ва ақл назари билан қарашга ундайдди.

Сўнги йилларда адибларимизнинг китоб ҳолида нашр этилган публицистик асарлари анча сийрақлашиб қолганининг сабаби ҳам балки шунда — галвирни кўтарганда кўлга илинадиган, тагига қалам билан чизиб-чизиб, бўяб-бўяб, завқланиб ўқиладиган фикрларнинг камлигидадир. Шу жиҳатдан “Ўзбекистон” нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан тақдим этилган “Эрталабки хаёллар” тўпلامини матбуотимиз, адабий ва маънавий ҳаётимиздаги муҳим ҳодиса дейиш мумкин.

Кулман ОЧИЛ

## Инсон манзаралари

Сафарали муаллим бу йил олтимиш ёшни қоралайди. Ҳали нафақага чиқиш, мактабни тарк этиш нияти йўқ. Ишлайди. Бу ишламаса ким ишлайди? Отнинг калласидай маошни ташлаб чиқиб кетадиган анойи борми? Ўттиз беш йил унинг мушугини «пишт» демаган ҳамкасблари энди ҳам бирор нарса дермиди. Қани, гапириб қўришинчи. Директордан бошлаб фаррошгача ҳаммасининг айбини билади. Ёзади, ёзганда ҳамки... Шунинг учун ҳам улар жим — гулдур-гуп. Хуллас шунақа.

# Китоби чиқмаган ЁЗУВЧИ


Канча-қанча ўқувчилар тузукроқ ҳарф танимаса ҳам олий ўқув юртига кириб, яхши-яхши жойларда ишлаб юришибди. Бунга ўз тажрибасида ҳам кўп кўрган. Тўғри, Сафарали муаллим ҳам болаларга куйиб-пишиб дарс бергиси, тушуниргиси келади, лекин бўйин ёр бермайди, бўйин! Кейин билимим ўзига яраша. Синфга кирдим бас, қаерданам шу фалокат уйку бутун вужудини қамрайди, билмайди. Стулга ўтириб, журнални стол устига қўйдим бас, кўзи илиниб, мизғиб қолганини ўзи ҳам билмай қолади. Болалар ҳам шунга ўрганиб қолишган. Сафарали муаллимнинг дарси улар учун байрам. Ҳамма ўзи билан ўзи овора — кимдир ўтириб гап сотса, кимдир оёқ учиде яриб ташқарига чиқиб кетади. Фақат саноклигини ўқувчилар пайтдан фойдаланиб келгани соатда ўтладиган дарста тайёргарлик қўришади. Синфдошлар ичда «шум»ларим бор. Муаллимнинг пинагини суратга, хурагини видеога телефон апаратлари орқали тушириб олишадди. Ким билади, бу уларга нима учун керак? Балки уларда ота-онаси билан муҳокама қилишар. Шу зангар техниканинг ҳам ривожланиб кетгани чатоқ бўлди-да. Ўқувчиларга қаттиқ гапиролмайсан. Гинг десанг, овозингни ёзиб олишадиган бўлган. Ота-оналар югуриб келишади. «Ўзинг тутурикли дарс ўтмайсан, фақат ухлаб вақтинг ўтказасану нима ҳаққинг бор боламга...» деб дўқлашгани дўқлашган. Устига устак ўқитувчиларга қўйилаётган талабни қаранг. Компьютер орқали слайдлардан фойдаланиб машгулотларни ўтиш керак эмас. Ким ўтса ўтаверсин. Ёши бир жойга борганда бу унга керак эмас. Қани бирор мажбурият. Беайб парвардигор. Устидан ёзади. Тугилганига пушаймон қилдирмаса, Сафарали муаллим номини бошқа қўяди.

— Эрталаб Содиқ директорни кўрувдим, — талмовсираб сўзида давом этди Шокир. — Даданга сен айт, энди нафақага чиқсин, қишлоғимиздан Исмаилага деган йигит университетни битириб келаяпти, шуни ишга олайлик, — дедпти. — Номмақул бузоқнинг гўштини ебди Содиқнинг, — янаям жиддийлашиб Сафарали муаллим. — Қани бир соат дарсимга тегиниб кўрсин. Директор жамғармасини нима қилаётганини билман. Энасини учқўрғондан кўрсатаман. Устидан ёзаман.

— Дад, Сиз нафақага чиққансиз, — янаям юмшоқроқ оҳангда тушунтира бошлади Шокир. — Қўйинг, ёшлар ишласин. Шунча йил ишладингиз. Хурматингиз бориде чиқингда энди. «Хурматингиз бориде» дедятганида Шокирнинг томоғига нимадир тиқилди. Зўрга айтиди бу сўзни. Шу онда Самад бобонинг у кунни айтган гапларини эслади.

— Отанг ўғри, — деганди у ўшанда. — Ўттиз беш йилдан бери ўқувчиларнинг умрини ўғирлайди. Дунёда энг ёмон ўғирлик бу ўқитувчининг ўғирлиги. Қурувчи ништни нотўғри қўйса қийишқ бинони бузиб қайтадан қуриш мумкин, бобонинг айби билан мункайиб қолган дарахларни кесиб бошқасини ўтқазса бўлар, лекин ўқитувчининг саводсиз қилиб тарбиялаган ўқувчисини мактаб партасига қайтадан ўтқизиб бўлмайди. Бу болалар ўзимизнинг қишлоқнинг фарзандлари. Уларни мактабдан «майиб» қилиб чиқаришга кимнинг ҳаққи бор? Отанга айт, йиғиштирсин. Шунча йил ўғирлик қилгани етар. Ўғирларда инсоф бор. Ўз маҳалласига бош тиқмайди. Сеннинг отанга инсоф йўқ. Агар этагини йиғиштирмаса шармандасини чиқараман. Ёзувчиларини менга қилломайди. Муттаҳамчилик жойим йўқ ундан.

Самад бобо қишлоқнинг қайвони чолларидан. Чўртқесар одам. Кўп йиллар ҳўжаликка раҳбарлик қилган. Одамлар-



Тунов кунни қўққисдан синфхонага «комиссия» кириб келса бўладики. Илгарилари «комиссия»нинг келиши бир кун олдин айтиларди. Келгани майли, ўқувчиларнинг дафтари текшириб, кундалигини варақлаб, улар билан савол-жавоб қилиб, тоз-за «хит» қилди. Бунисиям майли, қўйилмаганда Сафаралига дунёда учта фасли бор мамлакатнинг номини айтинг, деса бўладики? Қайси мамлакатда учта фасл борлигини қаердан билсин. Индамай тураверди. Дардан кейин муҳокама қилиши. Устиларингдан ёзаман, девди ҳаммаси ин-инига кириб кетди. Бу гапни пойлаб туриб, комиссия бир пиёла «чой» ичаётганда айтиди. Ҳатто телефонга ҳам суратини тушириб олди.

У бўлиб ўтган воқеадан завққа тўлиб, хаёллари оғушида қароватда ёнбошлаб ётар экан, ўнг қўлини остидаги ёстиқни бир ўгиришга чап қўлини тагига ташлаганида дарвозада ўгли Шокиржон кўринди.

— Ассалому алайкум, дала. Ишларингиз яхшими? Энам кўринмайди?

— Энанг Ботир акаганикка кетган. Биласанку, устидан ёзганидан бери уйга доримай қўйди у, — шундай дея бир кафт носни тилининг тагига ташлади.

— Шу акамнинг устидан ёзиб бекор қилдингиз, — деди Шокир пешонасини тириштириб.

— Нега бекор ёзарканман. Кўрдингку, укангни ўйлантираётганимизда пулдан қараш, десам, ўн беш миллионни бериб, без бўлиб туриб олди. Унда камми? Фермерликнинг ортидан тонна-тонна бурдоийни уйига ташиб киритганини билман. Болаларим нимани ейди, эмиш. Заҳарни есин болаларинг, дедим-да, ёзди.

— Энди ҳадеб унинг устидан, бунинг устидан, ҳатто ўғлингизнинг устидан ёзиб, элдан айрилиб қоласизми, дейманда ота. Қолаверса, бу ишнинг оқибати яхши эмас. Шу қора дарахда нечта ёзувчи бўлса биронтасининг юзида файз йўқ. Фаритшатар қочади унақа одамдан. Ана, қўшни қишлоқдаги Нозим ёзувчи. Бир йилдан бери тўшақда михланиб ётибди. На қўшнилари, на қариндош-уруғлари ҳолидан хабар олмайди. Вақтида ҳамманинг жонига теган.

— Бас қил, — Сафарали муаллим озғидеги носини тўглаб, — ўғлига дашном бера бошлади. — Энди сен қолувдинг, отанга ақд ўргатмаган. Нега келдинг, асабимга тегиш учунми?

ни ортидан эргаштира олади. Агар у аралашса, отаси кўчада бемалол юролмай қолиши мумкин.

Сафарали муаллим орадаги сукунатни бузди.

— Хурматимиз бундан кейин ҳам жойида булаваради, — деди у ўғлига. — Қўраясанку, ҳамманг қўрқитиб олганман. Ҳозир замон шунақа. Қўрққанга нон йўқ. Ишламай. Бор, айт, ўша Содиқ директорингга.

Шокир ноилож ўрнидан турди. Отасига ўқинчи нигоҳ билан қараб қўйди. Бенхтиёр Самад бобонинг ваҳоҳати кўз ўнгига жонланди. У чол отасини бир кунмас бир кун албатта шарманда қилди. Шармандага ўғил бўлиш нақадар оғир... Шокиржон шу хаёллар оғушида уйига кириб келар экан, ҳовлиснинг тўрида нималар биландир машғул бўлиб юрган ўғли Бобуржонга кўзи тушди. У ҳали ёш. Эндигина тўртинчи синфни битирди. Лекин жуда зийрак бола, Дадасининг эшикдан ҳатлаганини қўрибқоқ истиқболга чиқди. Унинг бутун вужудига фаҳр ва ифтихор тўйғуси уфуриб турарди. Отасининг бўйнига осиларкан, болаларча бегўборлик билан кўради:

— Бобонинг китоби чиққанми, далажон?

— Нега ундай деясан, ўғлим? — Юрагининг бир чеккаси узилгандай бўлди Шокирнинг.

— Билмасам, одамлар бобонг ёзувчи дедпти.

Шокир ўғлини бағрига босганича бироз жим қолди. Сўнг:

— Ўғлим, бобонг китоби чиқмаган ёзувчи, — деди ҳўрсиниб.

**Абдуқалим МЕЛИЕВ,**  
Самарқанд вилоят  
«Баркамол авлод»  
болалар маркази директори

# ЖИГАРГЎШАМИЗ!

ЁХУД ШЕРОБОДЛИК БЎРИ РАҲИМОВНИНГ ГАПИРАДИГАН ҚАРФАСИ ҚАЧОН “АЪЛО” БАҲО ОЛАДИ?



ларининг асрлар оралаб умр кўриши ҳақидаги гаплар қуруқ савога бўлиб қолади, — домла гўё ичимиздагини уққандек изохтай кетди, — нафақат қарга, балки барча тирик мавжудотларнинг ҳам озов ва беҳавотир яшасинга, умри узоқ бўлади. Табиат қўйида эркин яшаётган қаргалар ва бошқа қушларнинг кунлик таомнамалари бундан-да бой бўлса ажаб эмас. Ҳатто қафасда боқилган парранда гўшти ва туҳумининг эркин долнаб юрганлариникидан таъминсизроқ бўлишини ёш бола ҳам биллади-ку. Шундай экан, уйимизда ардоқлаб юрган Гошамизнинг умри қанчалар узоқ бўлишини мен ҳам биллолмайман. Шу боис, гайриоддий ҳислатта эга бу эркактой қаргамизни “Гиннеслар китоби”га киритишнинг бирор йўлини тополмайман.

6. Гошанинг ишқибозлари орасидан ҳамини бақувват харидорлар чиққаними, ўшандайлардан бири сизга ҳатто ўттиз минг АҚШ доллари тақлиф қилибди, деган гаплар қулоққа чалинмоқда...

— Биласизми, “бақувват харидор чиққанида икки бурда гўшт ва ярим сиқим пат бўлган шу қаргангни сотмайсанми?” деган иддаолар ҳам бўлди. Мана шундай савол ва тақлифлардан жаҳланиб бир журналистга “Гоша — менинг еттинчи фарзандим...” деб интервью бериб юборибман. Менга ўз қадрлонимдан айрилиш, уни сотиш эвазига эришладиган давлатнинг ҳечам кераги йўқ. Худого шукр, ҳовли-жой бор. Оила аъзоларим соғ-омон. Мана шу қадрдон қушларим, ижодий изланишларим орқали фаол ижодкор ўқитувчи сифатида элга танилдим. Обру-этибор топдим.

Дарҳақиқат, домланг шукронаси тақдирини томонидан чинакам сийланган бандлага ҳослдир. У билан бир пайтда, ҳатто ундан аввалроқ фаолият бошлаган ҳамкасбларим орасида Бўри домла каби эл назарига тушганлари камдан-кам топилади. Унинг фидокорона меҳнатлари 2001 йилда Юртбошимиз Фармонига кўра “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи” унвони билан тақдирланди. Бундан ташқари, вазирлигу бошқарманинг қатор фахрий ёрлиқлари, ташаккурномалар, табиатсеварларнинг вилоят, мамлакат ва халқро микёсдаги танловларининг голиблиги, “Халқ таълими аълочиси” унвонлари ва бошқа ютуқлар Бўри акамнинг эзгу мақсад йўлидаги бетиним заҳматлари эвазигадир.

7. Бўри ака, Гошадан гапиринг, айни пайтда икковларингиз нима ишлар билан машғулсизлар? — гапирадиган қарга ҳақида кўпроқ билгим келиб домлани гапта соламан.

8. Гошадаги эҳну қобилият бундан қирқ йиллар илгарини қолоқдан батанду “аъло”дан паст ўқувчиларимни ёдимга солади, — дейди устоз нимҳазил оҳангда. — Хотирасига базўр ўттиз иккига ҳарф жойланапти, ўттиз учинчисини бир амалда ёдлатсам, ун-

дан аввалгиларини эсдан чиқариб қўймоқда. Эсингиздами, сизларга сабоқ берган йилларим, ўзлаштира олмай мени шу жигибийрон қилган қолақ ўқувчиларимга бемалол дашном берар, керак бўлса, мактабда ота-онасини чақиртириб чора кўрар эдим. Гошанинг эса муаллими ҳам, ота-онаси ҳам ўзимман. Аммо у ҳозирча “аъло”га ўзлаштира олмапти. Ким билсин, балки мен қариб устозликни ўрнига қўя олмаётгандирман. Эҳтимол, Гошамизнинг ҳам кексайиб, хотираси ўтмаслашиб қолаётгандир...

9. Уни топиб олганингизга эндигина йиғирма йил бўлибди. Ахир, қаргалар икки юз-уч юз йил яшайди дейишади-ку?

10. Биринчидан, биз топиб олганда ҳам у камиде йиғирма беш йилларда эди. Ҳозир Гошанинг ёши тақминан қирқ беш йилларда... Балки у бошқа қариндошлари каби уч юз йил умр кўрмаса. Иккинчидан, менинг бундай мўболага гапларга умуман ишонгим келмайди. Учунчидан, “ҳали умримизнинг давоми узоқ, бемалол улгурамиз” дея хотиржам юриш — бемаъни иш. Одам боласи имкон топса, умрининг ҳар бир кунини ҳам бирор хайрли иш билан ўтказмоғи керак!

11. Домла, яна қандай орзу-мақсадлар билан яшайсиз?

12. Инсон ҳаёт экан, орзулари ниҳоя билмайди. Юқорида айтганимдек, Гошамиз “аъло” баҳога ўзлаштира ва “Гиннеслар китоби”га кирганини кўрсам энг катта орзумим ушанган бўларди...

13. Ҳа, домла ҳақ гапни айтиди. Бебаҳо умримизнинг ҳар дақиқаси ганимат эканини ҳис этиб яшаш ҳар биримизга насиб этсин.

Бахтиёр ОЛЛОМУРОД



**ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!**

**“Асака” банк жамоаси**

*Сизларни «НАВРЎЗ» байрами билан чин юракдан муборакбод этади!  
Юртимиз янада обод ва халқимиз ҳаёти бундан-да фаровон бўлсин!  
Дастурхонлардан қут-барака, турмушингиздан файз аримасин, азиз ватандошлар!  
Жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин ва салоҳиятга эга бўлган Ватанимиз янада гуллаб-яшнайсин!*

Байрам муносабати билан қуйидаги миллий валютадаги муддатли янги омонат турини таклиф этамиз:

**«НАВРЎЗ — 2016»**

Ушбу омонатнинг сақланиш муддати 18 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

Шу билан биргаликда, “Асака” банк миллий валютада 29 турдаги ва хорижий валютада 17 турдаги қулай шартларда омонат турларини таклиф этади. Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин.  
Мурожаат учун телефонлар:  
120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

Филиаллар	Код	Телефон
Тошкент шаҳар филиали	371	120-83-13
Наманган вилоят филиали	369	227-15-68
Автотранспорт филиали	371	120-39-95
Навоий вилоят филиали	436	770-21-29
Шайхонтоҳур филиали	371	140-39-36
Зарафшон филиали	436	572-40-14
Юнусобод филиали	371	221-80-67
Бухоро вилоят филиали	365	770-05-19
Сирғали филиали	371	257-44-10
Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-27
Тошкент вилоят филиали	371	120-84-13
Самарқанд вилоят филиали	366	233-65-47
Андижон вилоят филиали	374	223-60-74

Филиаллар	Код	Телефон
Афросиёб филиали	366	221-71-76
Асака филиали	374	233-21-99
Қашқадарё вилоят филиали	375	221-07-41
Фарҳод филиали	374	226-96-63
Сурхондарё вилоят филиали	376	770-82-12
Фарғона вилоят филиали	373	244-39-14
Қорақалпоғистон филиали	361	770-60-59
Марғилон филиали	373	237-62-23
Хоразм вилоят филиали	362	228-14-81
Олтиариқ филиали	373	432-19-80
Сирдарё вилоят филиали	367	225-44-03
Қўқон филиали	373	542-61-01
Жиззах вилоят филиали	372	226-43-11

**Сизнинг омонатларингиз:**

- » солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- » маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
- » эгаллик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- » миқдори чекланмаган!



Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш жамғармаси томонидан кафолатланади

“Асака” банк сармоянгизнинг сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди!

www.asakabank.com

Хизматлар лицензияланган

Reklama

**Наврўзнинг тўғилиши**

**Ривоят**

Қадим замонларда бир подшонинг Баҳорой исмли қизи бўлиб, унинг Нафосат, Аҳилой, Вафогул, Розидил, Ўзликхон, Зийнатбиби деган дугоналари бўлган экан. Бир кун подшо Баҳоройни авомнинг қизлари билан ўйнаб юрганини кўриб, жаҳли чиқибди ва у шу кундан бошлаб қизини саройдан чиқишини таъқиқлаб қўйибди. Вақт ўтиши билан қиз дугоналарини соғинибди, улар билан ўтган кунларини қўмсаб, бирма-бир кўз олдидан ўтказибди.



Орадан анча фурсат ўтиб, Баҳорой ёлғизликдан ичкиб, бетоб бўлиб қолибди. Подшо табибларни чақиртирибди, лекин фойдаси бўлмабди. “Подшонинг яққаю ягона қизи оғир касал бўлиб қолибди” деган миш-миш омма орасига тарқалиб, Баҳоройнинг дугоналари ҳам бу гапдан хабар топишибди. Улар ўша кундаёқ Баҳоройга мактуб ёзиб, кайфиятини кўтармоқчи бўлишибди. Хатнинг сўнгига эса қизлар подшо бизни таниб қолмасин, деган мақсадда, хатни “Баҳоройга Наврўздан” деб тугатишибди. Ва яна “биз нафосат боғида, аҳилмиз вафодормиз. Розидил билан Зил тоғида, сени доим кутармиз”. — дея изоҳ ҳам беришибди. Баҳорой мактуб ёзган дугоналари эканини, атайин бош ҳарфларини бирлаштириб ёзишганини билибди ва хурсанд бўлиб, отасидан Зил тоғига боришга рухсат сўрабди. Подшо ҳам қизидagi ўзгаришларни кўриб, дарҳол розилик берибди. Шунда Баҳорой ҳар гал дўстлари билан ўйнаб куладиган тоғ ён-бағрига ошиқибди. У ерга яқинлашган эса ҳамроҳ бўлиб борган кўриқчиларни шу ерда кутиб туришларини буярибди. Баҳорой дўстлари билан кўришиб, сочларини ўришиб, қўшиқ-шеърлар айтишиб қувнашибди. Шу пайт, қизидан хавотир олган под-

шо ҳам ўша ерга келибди. Қизининг соғ-саломат ўйнаб турганини кўрган подшо мамлакатнинг обрўли таъбиблари қилолмаган ишни қизлар улдалашганига амин бўлибди ва қизим соғайди, деб улардан миннатдор бўлибди. Уша кунни катта базм уюштириб, бу кунни “Наврўз” деб аташларини, бундан буён ҳар йили шу куннинг нишонланганини эълон қилибди.

Баҳор келди дегунча, барчамизнинг ҳам-ташвишларимиз унутулиб, юзимизга табассум югуради. Айнан “Наврўз” кунда кўксомса, кўкманти, сумалак каби жамми баҳорий кайфият бахш этувчи таомлар тайёрланади. Наврўз кунлари халқимиз ёппасига қир-адирларга, кўча ва хийбонларга сайлга чиқишади. Муқаддас қаламжоларда бахшлар айтишуви, лапарлар, аскиялар, қўшиқлар янграйди; улоқ-кўпқари, пойга, кураш каби томошалар ўтказилади.

Етмиш ёшли бувижоним: “Бу ватанда ҳечким қаримайди, сабаби, ҳар Наврўз кунини биз ёшарамиз, кўнглимиз ёшарайди”, — дея тилларидан бол томғудек бўлиб, Ўзбекистонимизнинг барҳаёт бўлишини дуо қиладилар. Юқоридаги ривоятни ҳам ёшлигимда улардан эшитганман.

Ҳа, умримизнинг ҳар бир фаслида бу янгиликни ҳам ёшариш кунини кучли ҳаяжон, ўзгача мамнуният билан барчамиз бирдек кутиб оламиз.

Байрам-байрамларга, хурсандчилик-хурсандчиликларга улانسин. Илоҳим, ҳар кунимиз “Наврўз” бўлсин.

**Зухра НОРЙГИТОВА,**  
ЎзМУ талабаси

**Тошкент шаҳар Касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши**

*Мамлакатимиз аҳлини кўкламнинг сўлим айёми — Наврўзи олам билан самимий муборакбод этади.*

**Жонажон ўлкамизга кириб келган янгиликлар — яшариш фаслининг кўтаринки кайфияти доимий ҳамроҳингиз бўлсин!**

